2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 8 (1069), 2024 йил 12 январь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МУДОФАА САНОАТИ МАЖМУАЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Мудофаа саноати агентлигининг Тошкент вилоятида жойлашган ишлаб чиқариш кластерига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, уларни замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган, янги Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитети, халқимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини кафолатли таъминлашга қодир янги армияга айлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда қўшинларнинг тезкор ва жанговар тайёргарлиги самараси ва сифатини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг малака ва кўникмаларини юксалтириш учун замонавий шароитлар яратиш мақсадида зарур инфратузилмага эга бир қатор ўқув полигонлари барпо этилди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда янги босқичга кўтарилаётган мудофаа саноатини модернизация қилиш ва салоҳиятини оширишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Айнан шу мақсадда ўтган йилнинг январь ойида Президент Мудофаа саноати агентлигини Мудофаа вазирлиги тизимига ўтказиш ва унинг фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан топшириқ берган эди.

Агентлик томонидан зарур ҳарбий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий ҳарбий техникаларни харид қилиш ва қўшинларга етказиш ҳамда мавжуд қурол-аслаҳа намуналарини модернизация қилиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Бугунги ташриф давомида Президентимизга Мудофаа саноати агентлигининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қилинаётган ишлар ва келгуси режалар тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ қисқа муддатда Мудофаа вазирлигининг бир нечта техник бўлинмалари негизида кенг кўламли қурилиш ишлари бажарилди, мавжуд объектлар мукаммал таъмирланди ва реконструкция қилинди. Кластер ҳудудига Мудофаа вазирлигининг техникани таъмирлаш заводи ва Марказий автомобиль техникасини сақлаш базаси кўчирилди.

Янги кластер ҳудудида жойлашган корхоналар ўзаро интеграция қилиниб, уларнинг ягона таъмирлаш цехлари ташкил қилинди. Мазкур корхоналарда қурол-яроғ ва ҳарбий техника, радиолокация қурилмалари, оптик ва электрон-оптик асбоблар, ўқотар ва артиллерия қуроллари модернизация қилинмоқда ҳамда металларга юқори аниқликда ишлов берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу қувватлар фаолияти билан танишиб, соҳага илғор технологияларни кенг жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш зарурлигини қайд этди, корхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Саноат тармоқларига, шу жумладан, мудофаа саноатига “яшил” технологияларни кенг жорий қилиш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида кластер ҳудудида қуёш панеллари ўрнатилган. Бу ишлаб чиқариш жараёнларининг электрга бўлган эҳтиёжининг катта қисмини муқобил манбалар ҳисобидан таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарига Мудофаа саноати агентлигининг янги кластеридаги ишлаб чиқариш қувватлари томонидан таъмирланган ва модернизация қилинган ҳарбий техника ва қурол-яроғ намуналари намойиш этилди.

Мудофаа саноати маҳсулотларининг тақдимоти чоғида давлатимиз раҳбарига “Келажак аскари” мажмуаси таркибига кирувчи махсус аслаҳа ва анжомлар тўплами амалда намойиш этилди. Ушбу тўплам мамлакатимиз мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг хусусиятлари жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрланган муқобилларидан қолишмайди.

Ташриф чоғида Олий Бош Қўмондон янги турдаги ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича корхона фаолиятига старт берди. Маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлаш, муҳандис ва мутахассислар малакасини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Якунда Президентимиз мутасаддиларга мудофаа саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

**ЎзА**

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ

### МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ, ЮКСАК ҒУРУР ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИДИР




**Инсоният тамаддунининг бешиги бўлган муқаддас Ватанимиз айни кунларда янги даврга қадам қўйиб, жаҳонда янги Ўзбекистон номи билан қайта бўй кўрсатмоқда. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мард ва олижаноб халқимиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда янги марраларни кўзлаб, янгидан-янги ютуқларга эришмоқда. Ўзининг муқаддас қасамёдига ҳамиша содиқ қолиб, хизмат бурчини шараф билан адо этаётган баҳодир ўғлонларимиз ҳам улуғ аждодлар анъаналарини давом эттирган ҳолда, халқимиз орзу-умидларини рўёбга чиқариш, Ўзбекистон мустақиллиги ва элимиз тинчлигини ҳимоя қилиш йўлида собитқадамдир.**

#### Мамлакат тараққиётига кафолат

Президентимиз ташаббус ва кўрсатмалари билан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ва салоҳияти ҳам тубдан ўзгарди. Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир, ҳаракатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланди.

Бу жараёнда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз армиямизнинг ҳам қиёфасини тубдан ўзгартириш, қўшинлар жанговар шайлигини такомиллаштириш ва давлат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотларни давом эттириш учун улкан имкониятлар яратиб берди.

Бугунги кунда дунёда кескин ўзгариб бораётган ҳарбий-сиёсий вазият, унинг турли кўринишдаги таҳдидлар фонида ривожланиш тенденциялари энг қимматли бойлигимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини англатмоқда. Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, ҳарбий округлар қўмондонликлари дунёда рўй бераётган қуролли тўқнашувларни таҳлил қилган ҳолда қўшинларни тайёрлашнинг энг мақбул йўналишлари ва мазмунини белгилаб, Қуролли Кучларнинг тезкор бошқарувини ташкил этиш, ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этмоқда.

Давоми 3-бетда

### Тарих ва тақдир



## АКА-УКА ЖАДИДЛАР

### Миллат ва маърифат фидойилари — Норбековларнинг армонли қисмати

**Миллий онг ва миллиятнинг ривожланишида капиталистик муносабатлар муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён Ватанимизда жуда оғир кечди. Чунки мустамлакачи чор Россияси ўша пайтда Европадаги энг қолоқ давлатлардан бири эди. Бунинг устига, Туркистонда ўта қабих сиёсат олиб борди: жаҳон тамаддунидан бутунлай узилган ҳолда сақлади. Айниқса, таълим-тарбия тизими узоқ йиллар, ҳатто шўро мустамлакачилиги даврида ҳам ибтидоий аҳволда давом этди. Шундай шароитда дунё кўрган Ватан, миллат, маърифат фидойилари — маҳаллий мулкдорлар халқни жаҳолат ботқоғидан маърифат сари етаклашда нафақат мол-мулкини, ҳатто азиз жонларини ҳам нисор этдилар.**

Аслини олганда, жадидчилик ҳаракатининг раҳнамолари, миллатнинг илғор зиёлилари ҳам Ғарб илм-фанини эгаллаган, миллий маънавияти етук, янги туғилиб келаётган буржуазия тоифасига мансуб эди. Ахир бирор газета ёки журнал ташкил этиш, матбаа ва босмахона, мактаб очиш ва зарур бошпана, ўқув-ёзув қуроллари, дарслик ҳамда қўлланмалар яратиш, нашр этиш каби юмушлар катта маблағ талаб этарди-да. Шўролар даврида коммунистик мафкура бундай хайрли ишларни амалга оширганлар катта мулкдорлар тоифасига мансублигини очиқ-ойдин ёзишга асло йўл қўймасди. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида айтган қуйидаги сўзларига қулоқ тутайлик:

Давоми 5-бетда

### Бугуннинг гапи

## ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ: КУТИЛМА ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

**Бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз тошу тарозиси, қоидаю тамойиллари бор. Давлатлар учун бу борадаги иқтисодий мезон ялпи ички маҳсулотининг ҳажми ҳисобланади. У ўзида мазкур мамлакатнинг бутун ишлаб чиқариши ҳамда кўрсатилган хизматлар бўйича муайян муддатда эришган жами натижаларини мужассам этади.**

ЯИМ концепцияси биринчи марта 1934 йилда АҚШ Конгресси учун ҳисоботни тайёрлашда иқтисодчи Саймон Кузнец томонидан киритилган. 1944 йилдаги Бреттон-Вудск конференциясидан сўнг ЯИМ иқтисодиётнинг ҳажмини ўлчаш учун ҳозирги кунгача асосий кўрсаткич бўлиб қолмоқда.

Одатда халқаро амалиётда ЯИМ чораклар ва йил якуни бўйича ҳисобланади. У икки хил кўринишда бўлади: номинал (жорий нархларда) ҳамда реал (солиштирма нархларда). Халқаро қиёслаш мақсадида ЯИМ халқаро валюта бирлигида, анъанага биноан, АҚШ долларида ўлчанади.

Давоми 2-бетда

### Таҳлил ва таққос

## ГЛОБАЛ “GOLD LEVEL” СЕРТИФИКАТИ

### ёхуд Ўзбекистон статистика тизими фаолияти бошқа халқаро рейтингларда қандай баҳоланаётгани ҳақида

**Статистика фан сифатида турли ҳодисалар ва жараёнларни миқдорий ҳисоблаш, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш йўли билан ижтимоий ҳаётнинг умумий тамойилларини ўрганади. Амалдаги қонунга кўра эса унинг асосий вазифаси ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва эълон қилишдан иборат.**

Давоми 4-бетда

### Шарҳ

## БИЗНЕС БЮРОКРАТИЯСИ ЯНАДА ҚИСҚАРМОҚДА

### бу тадбиркорга нима беради?

**Мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни такомиллаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Мазкур йўналишларда олиб борилган ишлар лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини либераллаштириш ҳамда институционал ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаш учун мустаҳкам асос яратди. Хусусан, ўтган беш йилда 400 дан ортиқ лицензия ёки рухсатномадан 132 таси бекор қилинди, шунингдек, бу йўналишда 34 та фаолият тури хабардор этиш тартибига ўтказилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 24 августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан лицензиялаш соҳасида жами 52 та тартиб-таомил бекор қилинди ҳамда 23 та фаолиятни ваколатли органни хабардор қилган ҳолда бошлаш тартиби йўлга қўйилди.

Давоми 2-бетда

**Жарималарни ўз вақтида тўлашни рағбатлантириш мақсадида тадбиркор лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасида қонунбузилиш содир этганлик учун молиявий жариманинг 50 фоизини 15 кун, 70 фоизини 30 кун ичида тўлаганда, жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод бўлмоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 12 январь, 8-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Шарҳ

# БИЗНЕС БЮРОКРАТИЯСИ ЯНАДА ҚИСҚАРМОҚДА

## бу тадбиркорга нима беради?



**Худоёр МЕЛИЕВ,**
*адлия вазири ўринбосари*

**Бошланиши 1-бетда**

Ушбу ҳужжат билан лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари электрон тарзда "Лицензия" ахборот тизими ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилиши белгиланди.

"Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун билан жами 208 та лицензиялаш (49 та), рухсат бериш (123 та) ҳамда хабардор қилиш (36 та) тартиб-таомиллари рўйхати тасдиқланди ҳамда соҳа фаолиятини тартибга солишнинг ягона механизмлари белгиланди. Натижада Ҳукуматнинг тадбиркорлик соҳасида рухсат беришни тартибга солувчи 250 дан ортиқ қарори ва 3 та қонуни ўз кучини йўқотган, деб топилди. Шунингдек, лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини қисқартириш ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ягона тартиби қабул қилинди.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлиллар соҳада ортиқча бюрократик тартиботлар мавжудлиги, эскирган ёки ўз аҳамиятини йўқотган рухсат бериш талабларидан тадбиркорлар ўтишга мажбур бўлаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, аввало, айрим турдаги лицензия ёки рухсатномаларни олишда тегишли талаб ва шартларнинг юқорилиги катта сарф-харажатларга асосланган юқори таваккалчиликни келтириб чиқармоқда.

> Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсат этиш хусусиятига эга бўлган 100 дан ортиқ, шундан 26 та рўйхатдан ўтказиш, 33 та реестрга киритиш, 27 та ҳисобга олиш ва 22 та аккредитация қилиш бўйича давлат хизматлари хатловдан ўтказилди.

Иккинчидан, "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун талабларини четлаб ўтиш мақсадида давлат органлари томонидан янги турдаги рухсат этиш хусусиятига эга маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Жумладан, аслида, мазмунан рухсат бериш ҳисобланган фаолиятлар "реестрга киритиш", "аккредитация қилиш", "рўйхатдан ўтказиш", "ҳисобга қўйиш" ва "авторизациялаш" каби атамалар остида тартибга солишга ҳаракатлар кузатилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсат этиш хусусиятига эга бўлган 100 дан ортиқ, шундан 26 та рўйхатдан ўтказиш, 33 та реестрга киритиш, 27 та ҳисобга олиш ва 22 та аккредитация қилиш бўйича давлат хизматлари хатловдан ўтказилди.

Бундан ташқари, қонунчиликда тадбиркорларнинг бизнесга қулай кириши ёки ўз фаолиятини йўлга қўйишда "кўмаклашувчи" механизмларни кўпайтиришга эҳтиёж мавжуд.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектлари лицензия олишда бир хил бўлган тартиботлардан қайта-қайта ўтишга мажбур бўлмоқда. Масалан, талабгор экологик, ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитария талабларининг бажарилгани ҳақида хулоса олгандан сўнг лицензия олишда ушбу органлар билан мазкур талаблар бўйича яна бир келишишга мажбур бўлади.

Юқоридаги каби муаммолар 2023 йил 18 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида, шунингдек, жорий йил 8 январь куни аҳоли бандлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартиришга оид таклифлар тақдимотида давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.

Шунга кўра, лицензияланадиган ва рухсат бериш тартиботларини янада такомиллаштириш бўйича бошланган ислоҳотларнинг иккинчи босқичини ўтказиш ҳамда ушбу йўналишда бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш мақсадида Президентимизнинг "Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.



Фармон билан божхона ташувчиларини реестрга киритиш, ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисида қарор ва 6 турдаги ҳужжат бирлаштириш йўли билан бекор қилинмоқда. Хусусан, экспорт назорати объектларини олиб чиқиш учун рухсатнома ҳамда махсус товарлар экспорти ва импорти учун лицензия бирлаштирилмоқда. Бундан ташқари, 3 та лицензия ва рухсатнома хабарнома тартибига ўтказилмоқда. Булар турагентлик фаолияти, I тоифадаги (якка тартибдаги уй-жойлар) объектларнинг архитектура шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва юридик маслаҳатлар кўрсатиш фаолиятлари.

Тадбиркорларга 15,3 мингдан зиёд ушбу турдаги лицензия ва рухсатномалар берилган, уларнинг бекор қилиниши натижасида тадбиркорларнинг 28 миллиард сўм харажати тежалади.

Жарималарни ўз вақтида тўлашни рағбатлантириш мақсадида тадбиркор лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасида қонунбузилиш содир этганлик учун молиявий жариманинг 50 фоизини 15 кун, 70 фоизини 30 кун ичида тўлаганда, жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод бўлмоқда. Лицензия ёки рухсатномани бериш жараёнида видео алоқа ёрдамида талабгорларни масофадан туриб баҳолашга рухсат этилмоқда.

Тадбиркорлик соҳасида қуйидаги мажбурий талаблар бекор қилиняпти:

— чиқиш туризмини амалга оширишда 15 минг доллар миқдоридаги маблағни Хавфсиз туризм жамғармасига захира қилиб қўйиш. Бунда хавфни мажбурий суғурта қилиш тартибини жорий қилиш орқали фавқулодда ҳолатлар оқибатларининг олди олинади. Натижада 1,6 минг тадбиркор ихтиёрида 24,5 миллион доллар қолади;

— жойлаштириш воситаларини сертификатлаштириш учун аризага кадастр ҳужжатларини талаб қилиш;

— тадбиркорларнинг транспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиш жойларини йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан белгилаш;

— кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолияти фақат сайёр шаклда амалга оширилганда биноларнинг мавжуд бўлиши.

2024 йил 1 мартдан 2025 йил 1 мартгача эксперимент тариқасида 2 та фаолиятни *(рентгендан фойдаланиш ва ветеринария лаборатория-диагностикаси)* бошлаш учун 3 ойгача "ўтиш ва мослашиш даври"ни белгилайдиган "Бизнесга лицензиясиз кириш" махсус режими жорий этилмоқда. Бунда лицензия ва рухсатнома олмасдан ваколатли органни хабардор қилган ҳолда 3 ой давомида фаолиятни амалга оширишга рухсат этилади. Тадбиркор 3 ой давомида ўз фаолиятини тегишли талабларга мувофиқлаштириб, тегишли лицензия ёки рухсатномани белгиланган тартибда олади ёки мазкур фаолиятни амалга оширишни тўхтатади.

Мазкур фармоннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини янада оптималлаштириш, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли ва тадбиркорларнинг 40 миллиард сўмдан ортиқ маблағи тежалишига ҳамда тадбиркорларнинг тегишли фаолиятларини амалга оширишда мажбурий талабларга амал қилиш билан боғлиқ қарийб 320 миллиард сўм маблағнинг келгусида ўзларида қолишига эришилади.

Бугуннинг гапи

# ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ: КУТИЛМА ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

**Бошланиши 1-бетда**

Бундан ташқари, БМТнинг алоҳида бошқармаси бу кўрсаткични жон бошига ҳисоблаган ҳолда, ҳар бир мамлакат аҳолисининг ҳаёт даражаси, харид қобилиятига баҳо беради.

Шу каби нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда, кўпчиликни 2023 йилда дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда бу жараён қандай манзара касб этди, деган савол қизиқтириши табиий. Қолаверса, йил охири ёки унинг боши жаҳон иқтисодиётида ҳам ғалвир сувдан кўтариладиган паллага айланади.

Халқаро валюта жамғармасининг 2023 йил октябрь ойи ҳисоботига кўра, жаҳон иқтисодиётида юқори глобал инфляцион шароитда қатъий монетар сиёсатнинг давом эттирилиши, шунингдек, бир қатор мамлакатларда давлат қарзи юкини қисқартириш мақсадида фискал консолидациялашувни амалга ошириши натижасида жорий йилда иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашиши кутилмоқда.

Хусусан, мазкур ҳисоботга биноан, 2023 йилда жаҳон иқтисодиёти 3 фоиздан 2024 йилда 2,9 фоизга, ривожланган давлатлар иқтисодиёти эса мос равишда 1,5 фоиздан 1,4 фоизга секинлашиши билдирилган эди. Ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида жорий йилдаги 4 фоизлик иқтисодий ўсиш суръати сақланиб қолаётган бўлса-да, мамлакатимизнинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган Хитой иқтисодиёти 5 фоиздан 4,2 фоизга, Туркияда 4 фоиздан 3 фоизга ҳамда Қозоғистонда 4,6 фоиздан 4,2 фоизга секинлашиши прогноз қилинган эди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 2024-2026 йилларга мўлжалланган Бюджетномада қайд этилишича, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришлар бўйича ҳисоботларида келтирилган тавсиялари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг миллий прогнозлари атрофлича ўрганилган.

Айни пайтда давом этаётган глобал сиёсий ва иқтисодий вазиятлар жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2023-2024 йилларда 5,6-5,8 фоизни ташкил этиб, 2025-2026 йилларда мос равишда 6,2-6,4 фоизгача етиши прогноз қилинган.

— Кейинги 4 йилда глобал иқтисодиётда кузатилаётган мураккаб вазиятга қарамасдан, Ўзбекистонда тармоқ, соҳа ва ҳудудларни тараққий эттиришга йўналтирилган дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2023 йилда ҳам барқарор ўсиш суръатларига эришилди, — дейди иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Мурод Муҳамедов. — Бунда иқтисодиётни молиялаштириш ва талабни шакллантирувчи омиллар, ўтган йил якунида консолидациялашган бюджет харажатлари аввалги йилнинг мос даврига нисбатан 18,4 фоизга (жами 380,9 триллион сўм) ошиб, рағбатлантирувчи асос сифатида замин яратди. Аҳолининг умумий даромадлари 16-17 фоизга ўсиши натижасида истеъмол эҳтиёжларининг 7,2 фоизга ошиши, ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи миқдорининг 18-20 фоизга ва иқтисодиёт тармоқлари қўшилган қийматининг 5,6 фоизга ҳамда пул ўтказмалари ҳажми ўсишга эришилди.

### Яқин истиқбол режалари

Жаҳон банки Ўзбекистоннинг 2023 йилги иқтисодий ўсишини 5,5 фоизга баҳолади. Яқин икки йил учун мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми бўйича ҳам шундай прогноз билдирилди. Бу хусусдаги таҳлилларни ўтган йил тўртинчи чораги якунлари ҳақида бундан бир неча кун олдин эълон қилинган "Жаҳон иқтисодиёти истиқболлари" ҳисоботида ўқиш мумкин.

Маълумки, ўтган йил бошида Жаҳон банки Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсишини 4,9 фоиз даражасида прогноз қилган бўлса, июнь ойида кўрсаткични 5,1 фоизга, октябрь ойида эса 5,5 фоизга яхшилаган эди.

— Мазкур халқаро молиявий муассаса маълумотларига кўра, Европа ва Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш 2022 йилдаги 1,2 фоиздан 2023 йилда 2,7 фоизгача ошган, — дейди Мурод Муҳамедов. — Ўсишнинг бундай тезлашишига ички талабнинг кенгайиши (бюджетни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоралари туфайли), меҳнат бозоридаги барқарор вазият сабаб бўлган.

Иқтисодий ўсиш Марказий Осиёда тезлашди. Энергия ва озиқ-овқат нархлари босими пасайгани сабабли минтақадаги инфляция секинлашди, лекин ҳали ҳам аксарият мамлакатларда мақсадли кўрсаткичдан юқорилигича қолмоқда.

> **Аксарият минтақа мамлакатлари инфляциянинг прогноз қилинаётган пасайиши шароитида пул-кредит сиёсатини юмшатишда давом этиши мумкин. Аҳоли жон бошига ўртача даромад даражаси 2025 йилда Европа Иттифоқи кўрсаткичининг атиги 24 фоизини ташкил этади.**



Европа ва Марказий Осиё минтақасида иқтисодий ўсиш 2024 йилда 2,4 фоизгача пасайиши, 2025 йилда эса 2,7 фоизгача кўтарилиши кутилмоқда.

Аксарият минтақа мамлакатлари инфляциянинг прогноз қилинаётган пасайиши шароитида пул-кредит сиёсатини юмшатишда давом этиши мумкин. Аҳоли жон бошига ўртача даромад даражаси 2025 йилда Европа Иттифоқи кўрсаткичининг атиги 24 фоизини ташкил этади.

Расмий статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда Ўзбекистонда долларнинг харид қуввати паритети бўйича аҳоли жон бошига ўртача ЯИМ ҳажми 1234 АҚШ долларини ташкил этган. 2022 йилга келиб, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 6850 АҚШ долларига етди ва ушбу кўрсаткич бўйича дунё мамлакатлари рейтингида 127-ўринга кўтарилди.

Бинобарин, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва барқарор ривожланиш миллий мақсадларида устувор йўналиш ҳамда вазифаларга эришишнинг йўллари белгилаб берилган. Хусусан, 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ёки уни аҳоли жон бошига 4 минг долларга етказилиши назарда тутилган.

Яқинда қабул қилинган "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, жорий йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 5,6-5,8 фоиз, 2025-2026 йилларда эса мос равишда 6,2 ва 6,4 фоиз бўлиши, ўсиш суръатлари саноатда 6 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасида 6,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4 фоиз бўлиши прогноз қилинган. Бу кўрсаткичларга "ҳар бир соҳада бошланган таркибий ислоҳотларни сифатли давом эттириш" орқали эришилиши кутилмоқда. Инфляция 2024 йилда 8-10 фоиз, 2025 йилда 7,5-8,5 фоиз, 2026 йилда 5,7 фоиз бўлиши назарда тутилган.

Шу ўринда иқтисодий ўсишда давлат бюджетининг аҳамиятини ҳам эътиборга олиш зарур бўлади. Чунки фискал сиёсат ялпи талабнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди, ЯИМнинг ўзгариш жараёнларига таъсир кўрсатади. Мазкур тадбирларнинг самарали олиб борилиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Қонунда 2024 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари прогнози 375 триллион сўм, харажатлар прогнози 427,5 триллион сўм миқдорида, яъни умумий фискал баланси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз миқдорида тақчиллик билан режалаштирилган. Бу жаҳон иқтисодиётидаги ноаниқликлар ва геосиёсий вазиятнинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳоли тўлов қобилияти тушиб кетишининг олдини олиш тадбирларига қўшимча маблағлар ажратилиши, тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида йўқотишларнинг келиб чиқиши билан изоҳланади.

Мазкур ҳужжатда бюджет тақчиллигини қоплаш учун жалб этиладиган маблағлар манбалари ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Хусусан, 2024 йилда бюджет тақчиллигининг юқори чегараси 4 фоиз этиб белгиланиши сабабли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз миқдори сақлаб қолиниб, тақчилликни қоплаш учун жалб қилинадиган қисмини оширган ҳолда, ташқи қарзнинг чекланган ҳажмини 5 миллиард доллар миқдорида, шундан 2,5 миллиард доллар давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бюджет тақчиллигини, қолган қисми инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириши назарда тутилган.

Узоқ муддатли даврда макроиқтисодий ва бюджет барқарорлигига эришиш учун тақчилликни ўрта муддатли даврда 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, бунинг учун бюджет маблағларини мақбуллаштириш, даромадлар базасини кенгайтириш, самарасиз солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бекор қилиш орқали тақчиллик миқдорини босқичма-босқич пасайтириб бориш зарур бўлади.

Ўзбекистон бюджет тизимининг ярим йиллик ижроси якунлари бўйича даромадлари прогнози бажарилмаган ва жорий молия йилининг охирига қадар уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда республика бюджети умумий харажатларининг 3 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги харажатларни қисқартириш Олий Мажлис палаталари томонидан, уч фоиздан кам миқдордаги харажатларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилади.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ**
*шарҳи.*

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ

## МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ, ЮКСАК ҒУРУР ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИДИР











**Шухрат ХАЛМУХАМЕДОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи, генерал-майор*

Бошланиши 1-бетда

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири этиб белгилангани инобатга олиниб, энг мураккаб шароитларда қўшинларни жанговар ҳаракатларга самарали ва қисқа муддатларда тайёрлашнинг янги шакл ҳамда услублари устида фундаментал ишлар олиб боріляпти.

### Жанговар тайёргарлик янги босқичда

Ривожланган давлатлар армиясининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва замонавий қуролли тўқнашувлар таҳлилидан келиб чиқиб, янги тактик ҳаракатларни қўшинларга татбиқ этиш мақсадида охирги 3 йил мобайнида 35 дан ортиқ концептуал характерга эга раҳбарий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Қўшинлар тайёргарлигини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида барча жанговар тайёргарлик ўқув дастурлари икки йилга мўлжалланган модул тизимига ўтказилиб, ҳар бир жанг турлари бўйича жанговар гуруҳ, взвод ва батальонларнинг ҳамжиҳатликда ҳаракатланиш тизими яратилди.

Хусусан, доимий шайликдаги бригадаларнинг жанговар ва махсус тайёргарлик машғулотлари 2500 соатдан оширилиб, машғулотлар 70 фоиз амалий ўтказилмоқда, тунда ўтказиладиган амалий машғулотлар ҳажми 50 фоизга етказилди.

Тактик (тактик-махсус) ўқувлар реал жанговар ҳаракатлар динамикасига яқинлаштирилган ҳолда, асосан, тунги шароитларда ўтказилмоқда. Охирги 5 йил мобайнида қўшинлар тайёргарлиги бўйича олиб борилаётган тадбирлар жадаллиги 2,5 баробарга оширилди.

Қўшинлардаги мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мудофаа вазирлигида 5 йил олдин фақат 2 та ўқув маркази фаолият юритган бўлса, бугунга келиб улар сони 19 тага етказилди. Мазкур марказларда 2023 йилда 11 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчилар 30 дан зиёд мутахассисликлар бўйича қайта тайёрланди.

Ҳозир Мудофаа вазирлиги тизимида 20 дан ортиқ умумқўшин полигони фаолият юритяпти, улардан 16 таси халқаро ҳарбий тадбирларни ўтказишга ихтисослаштирилган. Ушбу полигонларда хорижий давлатлар армиялари билан ҳамкорликда ўқув ва тренинглар ўтказилмоқда. Ўқув-моддий базаси мукаммал бўлган ўндан ортиқ Қуролли Кучлар ягона дала тайёргарлик марказларидан ҳамкорликда фойдаланишга доир Комплекс дастур ишлаб чиқилиб, куч тузилмалари бўлинмалари машғулотларни интенсив равишда олиб бормоқда.

### Мардлар майдонда синалади

Қўшинларда бўлинма ва ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасини текшириш ва соғлом рақобат муҳитини яратишга қаратилган турли кўрик-танлов, мусобақа ва беллашувлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий округлари ўртасида ўтказилаётган "Амир Темур жанговар байроғи учун мусобақаси" қўшинларнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги, ҳарбий хизматчиларнинг билим ва малакаси, мардлик ва жасурлик фазилатлари, уларда миллий ҳамжиҳатлик руҳини оширишга хизмат қилмоқда.

2022 йилдан бошлаб Қуролли Кучларда ҳарбий хизматчиларнинг ўз кучи, чидамлилиги, экстремал вазиятларда жисмоний юкламаларга, руҳий бардошлилигини синаш имконини берувчи "Довюрак жангчи" фарқловчи нишони учун интенсив синовлар тизими жорий этилди.

Мудофаа вазирлиги жамоалари халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиб, дунёнинг етакчи армиялари ўртасида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Шу ўринда ҳарбий хизматчиларимиз томонидан 2023 йилда халқаро ҳарбий мусобақаларда эришилган натижаларга тўхталиб ўтсак.

АҚШнинг Миссисипи штатида бўлиб ўтган "Энг илғор жангчи" мусобақасида ҳарбий хизматчиларимиз юқори касбий маҳоратини намойиш этди ва фахрли биринчи ўринни, Покистонда бўлиб ўтган VI Халқаро "Жамоа руҳи" мусобақасида ҳам 11 давлат жамоаси ўртасида биринчиликни, Туркияда ўтказилган "Энг илғор мерганлар жамоаси" ва Буюк Британияда бўлиб ўтган "Кембрия патрули" мусобақасида етакчи давлатларнинг юздан ортиқ жамоалари ўртасида фахрли иккинчи ўринни, Корея Республикасида ўтказилган "Халқаро илмий жанговар тайёргарлик" мусобақасида эса илк маротаба иштирок этиб, 13 жамоа ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, ҳарбий спортчиларимиз халқаро ва республика миқёсидаги мусобақаларда муносиб иштирок этиб, 2023 йилда ўтказилган халқаро турнирлар, Жаҳон ва Осиё ўйинларида 117 та олтин, 46 та кумуш ва 70 та бронза, жами 233 медалга сазовор бўлди.

Албатта, бу ва бошқа натижалар дунёнинг "Global Firepower Index-2023" журналида акс этиб, миллий армиямиз Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, дунё армиялари орасида эса 54-ўринни эгаллагани қайд этилди.

### Халқаро ҳарбий ҳамкорлик

Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги Марказий Осиё давлатлари, Туркия, АҚШ, Россия, Корея, Хитой, Покистон, Ҳиндистон ва Европанинг етакчи давлатлари, шунингдек, НАТО, ШҲТ, МДҲ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳарбий ҳамкорликни йўлга қўйган.



Қўшинларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлигини ошириш борасида бир қатор давлатлар армиялари билан ҳамкорликда тренинг ва ўқувлар ўтказилмоқда.

Президентимиз томонидан Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланиши минтақамиз давлатлари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди.

Ҳарбий таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқалари жадаллашиб, ҳарбий хизматчиларни тор доирадаги мутахассисликлар бўйича тайёрлаш мақсадида хорижий давлатларнинг етакчи олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитиш давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 20 сентябрдаги қарорига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари ҳамда ўқув марказларида Марказий Осиё ва Европа давлатлари ҳарбий хизматчиларининг таълим олиши ҳам йўлга қўйилди.

### Кадрлар сиёсати — устувор йўналиш

Таъкидлаш жоизки, яқингача офицерлар таркибининг кадрлар захирасини шакллантириш, уларни лавозимларга босқичма-босқич тайёрлаб бориш ва малакасини ошириш ҳамда ҳарбий таълим муассасаларида муносиб номзодларни ўқитишда тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд эди. Ўтган қисқа муддатда узлуксиз ҳарбий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Қуролли Кучлар академияси ҳарбий илм-фан соҳаси локомотивига айланди. Олий ҳарбий таълим муассасаларида янгича ёндашув ва ўқув услублари жорий этилди.

Кадрлар захирасига киритилган раҳбарлик лавозимидаги офицерларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш нафақат олий ҳарбий таълим муассасаларида, балки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академия каби нуфузли олий таълим муассасаларида халқаро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, дипломатик этикет ва дипломатик протокол йўналишларида ҳам оширилмоқда. Натижада Қуролли Кучларнинг илмий салоҳияти кўтарилиб, замонавий билимга эга офицер кадрлар захирасини яратишга эришилди.

2023 йилда Қуролли Кучлар ҳарбий тиббиёт академиясида замонавий ўқув-моддий база ва ўқув хоналар, ётоқхона ва ўқув лабораторияларга эга янги бинолар фойдаланишга топширилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида Қуролли Кучлар тизимида киберхавфсизликни таъминлаш самарадорлигини ошириш усул ва услубларини тадқиқ қилиш асосида бўлажак киберхавфсизлик мутахассисларини тайёрлашда виртуал лаборатория платформаси яратилди.

Олий ҳарбий таълим муассасалари полигонлари қуролли тўқнашувлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда экстремал шароитларда тезкор ва тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини ошириш учун қайта жиҳозланди.

Битирувчи босқич курсантлари ҳарбий округ, бирлашма ва ҳарбий қисмларнинг кенг кўламли ўқувларида кузатувчи сифатида иштирок этиб, тўрт йиллик билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда.

Экстремал шароитларда омон қолиш — бу командир учун энг муҳим жиҳат экани инобатга олиниб, бўлғуси офицерларнинг махсус бўлинмалар мутахассислари билан ҳамкорликда тоғли ва чўл ҳудудларининг мураккаб шароитида 2 ҳафталик амалиёти йўлга қўйилди.

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий илм-фанни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги 5 йилда илмий салоҳият 4 фоиздан қарийб 46 фоизга ошди. 2023 йилда илмий салоҳиятни белгиловчи таркиб 694 нафарни ташкил этди, уларнинг 28 нафари фан доктори, 161 нафари фанлар бўйича фалсафа доктори, 130 нафари доцентлардир.

### Маънавий тайёргарлик — муҳим масала

Мудофаа вазирлиги қўшинларида маҳаллий бошқарув органлари билан ҳамкорликда тарбиявий ва мафкуравий ишлар "Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!" деган концептуал ғоя асосида олиб борилмоқда. Биргина мисол: ўтган йилнинг ўзида қўшинларда тарбиявий ва мафкуравий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича Президентимизнинг 3 та фармони, 2 та қарори, 1 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори ҳамда Мудофаа вазирининг бир қатор буйруқлари қабул қилинди.

Шахсий таркибнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши ва мутолаа маданиятини ошириш мақсадида қўшинларда "Энг яхши китобхон", "Энг яхши ёш китобхон" ва "Энг яхши китобхон оила" каби танловлар ўтказиб келинмоқда. Янги нашр этилган китоблар тақдимоти ва ярмаркалари ҳамда китобхонлик кечалари ташкил этилмоқда. Куч тузилмалари ўртасида ўтказилган "Тарих билимдони", "Энг яхши ҳарбий қўшиқ ижрочиси", "Энг яхши ёш адиб" ва "Энг яхши ёш шоир" танловларида Мудофаа вазирлиги вакиллари фахрли ўринларни эгаллади.

Қуролли Кучлар куч тузилмалари орасида "Ватан меҳри юрагимда" шиори остида ўтказилган "Тўмарис издошлари — 2023" кўрик-танловида вазирлигимиз жамоаси иккинчи маротаба ҳам фахрли 1-ўринни эгаллаб келмоқда.

Ҳукумат қарори билан 2023-2027 йилларда Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси тасдиқланди.

Жиззах вилоятида ўтган йил февраль ойида ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида "Жиззах тажрибаси" асосида профилактик ҳисобда турган ҳамда тарбияси оғир ёшлар билан "Жасорат мактаби" номли ҳарбий-ватанпарварлик йиғинларини ягона ёндашув асосида бошқа вилоятларга татбиқ этишга қаратилган амалий семинар ўтказилди. Шундан сўнг бу каби йиғинлар 53 маротаба ўтказилиб, 5 минг нафар ёш қамраб олинди.

Президентимизнинг 2022 йил 2 мартдаги "Ватан таянчи" болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вазирлик ҳузуридаги "Ватан таянчи" ҳаракатининг 14 та ҳудудий бўлими ҳамда 188 та туман бўлинмаси ташкил этилди. Бугунги кунда ҳаракатга аъзо бўлганлар сони 186 мингдан ошди. 2023 йил июнь ойида эса Қозоғистоннинг Қарағанда вилоятида бўлиб ўтган 9-халқаро "Айбин" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасида илк бор иштирок этишига қарамасдан, "Ватан таянчи" ҳаракати жамоамиз 43 та жамоа орасида фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 8 ноябрдаги "Таълим муассасаларида чақириққа қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига кўра, мактаблардаги чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиларининг малака тоифаси ва ойлик маошини ошириш, ўқув-моддий базаларни такомиллаштириш каби кўплаб масалалар ўз ечимини топди.

### Мукаммал таъминот — ғалаба гарови

Қўшинларни янги намунадаги қурол-аслаҳа ва техникалар билан бутлаш, модернизация қилиш ва таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадларда Президентимиз миллий армиямизни қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг замонавий намуналари билан қуроллантириш борасида бир қатор ҳужжатларни имзолади.

Армиянинг жанговар салоҳиятини ошириш мақсадида замонавий ҳарбий транспорт самолётлари, жанговар вертолётлар, зенит ракета мажмуалари, жанговар ва енгил зирҳли техникалар, ҳарбий автомобиллар, қурол-аслаҳалар ва турли хилдаги ҳарбий-техник воситалар билан таъминланмоқда.

Мудофаа вазирлиги заводларининг куч ва имкониятлари билан мобиль тиббиёт пункти, биолаборатория, қўмондонлик пункти, тактик автомобиллар, жанговар техникаларга туреллар, тунги кўриш мосламалари, зирҳли динамик тренажёрлар ишлаб чиқарилиб, фойдаланишга жорий этилди. Бундан ташқари, жанг вақтида ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётини асраш мақсадида республикамизда зирҳли шлем ва нимчалар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Жанговар техникалар модернизация қилинмоқда. Зирҳли техникаларни таъмирлаш заводи капитал таъмирланди ҳамда метални қайта ишлаш, қурол ва техникаларга керакли эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги тасарруфидаги "МС РемТех" МЧЖни ташкил этиш натижасида нафақат Қуролли Кучлардаги ҳарбий техникаларни таъмирлашнинг ягона ва ўзгарувчан тизимини яратиш, балки ҳарбий ва икки мақсадга мўлжалланган махсус техникаларни ҳам ишлаб чиқариш имкониятига эришилди.

Қўшинларимизда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни жанговар шай ҳолатда сақлашга алоҳида эътибор қаратилади. Қисқа даврда барча ҳарбий қисмларнинг жанговар машиналар паркларида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни доимий жанговар шай ҳолатда сақлаш, уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш имконини берувчи парклар барпо этилди.

### Ижтимоий ҳимоя

Давлатимиз раҳбарининг ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини янада такомиллаштиришга қаратилган 2023 йил 3 августдаги қарорига кўра, контракт бўйича ҳарбий хизматчилар учун бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Натижада ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий пенсионерлар, уларнинг оила аъзолари ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва пировардида, Қуролли Кучлар жозибадорлиги таъминланишига эришилди.

Хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган 9 нафар марҳум ҳарбий хизматчи Президентимизнинг тегишли фармонига кўра "Жасорат" медали билан тақдирланди. Бу, ўз навбатида, ҳарбий хизматчиларнинг хизматга бўлган мотивацияси ва ҳарбий хизмат нуфузини ошириш имконини берди.

Қолаверса, 2023 йилда 1032 нафар ҳарбийнинг фарзандларига, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш вақтида ногирон ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 42 нафар фарзандига квотадан ташқари республика олий таълим муассасаларига ўқишга киришга тавсияномалар берилди.

Хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида 545 нафар хотин-қиз мономарказ ҳамда ўқув масканларида касбларга йўналтирилди. 13 минг 971 нафарининг доимий бандлиги таъминланиб, 218 нафари тадбиркорликка жалб этилди. Ҳарбий шаҳарчаларда 125 та тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунга келиб, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги барча ҳарбий қисм ва муассасалар босқичма-босқич аутсорсинг тизимига ўтказилди. 80 га яқин тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали 2900 дан ортиқ фуқаролар учун янги иш ўринлари яратилди.

Изланишлар натижасида илғор хориж армияларида фойдаланиладиган экипировка анжомлари намуналари асосида ўндан ортиқ янги турдаги экипировка анжомларининг миллий моделлари яратилиб, маҳаллий ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳарбий хизматчиларга фойдаланиш учун қулай бўлган янги намунадаги миллий ҳарбий кийим русумлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди.

2017-2023 йиллар давомида 9525 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жой билан таъминланди.

### Ҳарбий тиббиёт

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий тиббиётни янги замонавий босқичга олиб чиқиш, барча ҳарбий-тиббий муассасаларни янгидан барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни жаҳон стандартларига мос равишда тиббий аппаратлар билан жиҳозлаш каби муҳим вазифалар ҳам шахсан Президентимиз назоратида амалга оширилмоқда.

Жумладан, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали ҳудудида юқори технологияларга асосланган тиббий аппаратлар билан жиҳозланган ультразамонавий даволаш-диагностика биноси фойдаланишга топширилди. Қарши, Фарғона ва Нукус ҳарбий госпиталларида даволаш-диагностика биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари якунланди. Барча ҳарбий-тиббий муассасалар, ҳарбий госпиталлар ва тиббиёт пунктлари замонавий тиббий аппаратлар ва жиҳозлар билан таъминланиб, беморлар даволаниши учун барча шароитлар яратилди.

Ҳарбий госпиталлар фаолиятига 12 йўналишда 73 турдаги юқори технологияли, шу билан бирга, йирик бўғинларни эндопротезлаш, буйракни кўчириб ўтказиш, аорта-коронар шунтлаш, коронарография, юрак-қон томирларини стентлаш каби жарроҳлик амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, миллий армиямиз таркибида қисқа йилларда амалга оширилган ислоҳотлар ва кенг кўламли ўзгаришлар, халқимизнинг ўз ҳимоячиларига ишончини ошириш билан бирга, армиямиз нуфузини дунё рейтингида юқори поғоналарга кўтарди. Қисқача айтганда, янги Ўзбекистон армияси чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айланди.

Халқимизни ишонтириб айтамизки, бундан кейин ҳам ҳушёр ва огоҳ бўлиш, миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериб, Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, қолаверса, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

**Open Data Watch ташкилотининг сўнгги ҳисоботида Ўзбекистон “Очиқ Гендер маълумотлари индекси”да 69,7 балл тўплаган ҳолда жаҳондаги энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди. Бу индекс бутун дунё бўйлаб мазкур соҳа маълумотларининг мавжудлиги ва очиқлигини 35 та статистик тоифадаги 11 кўрсаткич асосида баҳолаб боради.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 12 январь, 8-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Таҳлил ва таққос

# ГЛОБАЛ “GOLD LEVEL” СЕРТИФИКАТИ

## ёхуд Ўзбекистон статистика тизими фаолияти бошқа халқаро рейтингларда қандай баҳоланаётгани ҳақида



Бошланиши 1-бетда

Демак, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини, шунингдек, ҳодиса ва жараёнлар холис, очиқ-ойдин ошкора этилиши бевосита статистика идораларининг ривожланганлик даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, ҳар бир давлат ўз миллий статистика идоралари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятида қандай ўзгаришлар рўй берди? Улар қайси жиҳатлари билан эътиборни тортади? Агентликнинг халқаро мезонларга хос ишлари глобал миқёсда қандай баҳоланяпти?

Бу каби саволларга мазкур **агентлик ахборот хизмати раҳбари Усмон АБДУРАСУЛОВ** жавоб берди.



— Мамлакатимизда статистика соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида маълумотлар очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга эришилди, фойдаланувчиларга долзарб бўлган ахборотларни эркин олиш имконияти яратилди, — дейди Усмон Абдурасулов. — Бу натижалар нафақат юртимиз ҳудудидаги, балки хорижий мамлакатлардаги фойдаланувчилар ва энг асосийси, халқаро статистика ҳамжамияти томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Буни Буюк Британиядан келган хабар ҳам тасдиқдайди. Гап шундаки, 2023 йилнинг 5 декабрь куни Лондондаги Очиқ маълумотлар институти (ODI) баҳолаш тизими бўйича Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталини (data.egov.uz) “Gold level”нинг олтин даражадаги сертификатига лойиқ кўрди. Айни пайтда ушбу институт сертификатини дунёдаги 155 мингдан ортиқ сайт ва порталлар олган. Лекин улар орасида атиги 3 та сайт энг юқори бўлган “Platinum level” даражадаги сертификатга эга бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ста-



тистика агентлигининг расмий сайти stat.uz. (https://stat.uz/uz/) улардан бири саналади.

Шунингдек, жаҳонда жами 9 та сайт ва портал “Gold level” олтин даражадаги сертификатига лойиқ кўрилган бўлса, эндиликда улар қаторига Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали data.egov.uz ҳам қўшилди. Мазкур мезон очиқ маълумотлар нашр этилишини профессионаллаштириш учун тасдиқланган стандартлар тўпламига мос келадиган мустақил сифат белгиси ҳисобланади. Барқарор очиқ маълумотлардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, амалий, техник ва ижтимоий талабларни қамраб олади. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг Очиқ маълумотлар порталида жами 9 мингга яқин ахборотлар тўплами 3 тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) жойлаштирилган.

### БРМ халқаро рейтингида 8 поғонага кўтарилдик

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи (SDSN) ва халқаро экспертлар томонидан 2023 йилда эълон қилинган БРМ (SDG index) рейтингида Ўзбекистон 71,1 индекс билан 166 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади. Бу натижа 2022 йилга нисбатан 8 поғонага кўтарилганини билдиради. 2022 йилда Ўзбекистон 69,9 индекс билан 77-ўринда қайд этилган эди.

2023 йилги SDG index ҳисоботига асосан, Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларига мамлакатда камбағалликни қисқартириш, соғлиқни сақлаш ва фаровонлик, сифатли таълимни таъминлаш, гендер тенглигига эришиш, тоза сув ҳамда санитария, саноатлаштириш, инновация, инфратузилма, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, тинчлик, адолат, самарали бошқарув каби йўналишларда яхши кўрсаткичларга эришган.

БМТ Статистика бўлимининг расмий веб-саҳифасида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Ўзбекистон 87-ўринни эгаллаб турибди.

2019 йилда БМТ Тараққиёт дастурининг техник кўмаги билан мамлакатимизда Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари бўйича nsdg.stat.uz веб-сайти (https://nsdg.stat.uz/uz) ишлаб чиқилган эди. Мазкур веб-сайт Статистика агентлиги томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида юритилади. Унда 128 та миллий БРМ кўрсаткичлари, 60 та индикатор эса “Tracker” БРМ бошқарув панелида жойлаштирилган.

Таъкидлаш керакки, 2018, 2019, 2020, 2021 ва 2022 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасида Миллий БРМларга эришиш бўйича статистик кўрсаткичлар тўпламлари” ҳам уч тилда тайёрланган ва нашр этилган. Юртимизда миллий БРМ мониторинг тизими учун 190 та индикатор долзарб, деб тан олинган.

### “Очиқ Гендер маълумотлари индекси”да жаҳонда 20-ўриндамиз, ODIN рейтингида-чи?

Open Data Watch ташкилотининг сўнгги ҳисоботида Ўзбекистон “Очиқ Гендер маълумотлари индекси”да 69,7 балл тўплаган ҳолда жаҳондаги энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди. Бу индекс бутун дунё бўйлаб мазкур соҳа маълумотларининг мавжудлиги ва очиқлигини 35 та статистик тоифадаги 11 кўрсаткич асосида баҳолаб боради.

Мамлакатимизда гендер статистикасини юритиш бўйича Статистика агентлиги ваколатли орган бўлиб, гендер статистикасини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилган. Gender.stat.uz сайтининг барча бўлимларида бугунги кунда 180 дан зиёд гендер статистикасига оид кўрсаткичлар 3 тилда, 5 хил форматда жойлаштириб борилмоқда. Ўзбекистон Open Data Inventory (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингида 195 мамлакат орасида 70 балл билан 30-ўринга кўтарилди ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни сақлаб қолди. Маълумки, ODIN — расмий статистика камчиликларини аниқлаш, очиқ маълумотлар сиёсатини илгари суриш, миллий статистика органлари билан маълумотлардан фойдаланувчилар ўртасида мулоқотни яхшилаш ва очиқликни баҳолайди.

Статистика агентлиги Open Data Watch ташкилоти билан 2019 йилдан бошлаб, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори кўмагида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қайд этиш жоиз, мамлакатимиз мазкур рейтингда:

**— 2015 йилда 125 мамлакат орасида 3 балл билан 125-ўринни;**

**— 2016 йилда 173 мамлакат орасида 13 балл билан 168-ўринни;**

**— 2017 йилда 180 мамлакат орасида 18 балл билан 167-ўринни;**

**— 2018 йилда 178 мамлакат орасида 19 балл билан 168-ўринни;**

**— 2020 йилда 187 мамлакат орасида 63 балл билан 44-ўринни;**

**— 2022 йилда 192 мамлакат орасида 66 балл билан 40-ўринни эгаллаган.**

### Статистика портали ишга тушди

Агентлигимиз томонидан “Статистика” интеграллашган ахборот тизими (СИАТ) яратилди ҳамда унинг негизида siat.stat.uz Ўзбекистон Республикаси статистика портали ишга туширилди. У расмий статистика маълумотлар ягона базасини шакллантиради, маълум бир давр бўйича маълумотларни электрон форматда ҳам олиш имкониятини яратади.

СИАТ — расмий статистикани эълон қилиш ва уларни фойдаланувчилар томонидан қидириб топишни 5-10 баробарга тезлаштирди, алоҳида сўровлар асосидаги интеграция қилиш вақтини эса 10 кундан 1 кунгача қисқартирди ва бу эса, ўз навбатида, халқаро




ташкилотлар, жумладан, Open Data Watch ташкилоти экспертлари томонидан ижобий баҳоланди.

Ҳозирги кунда СИАТ ахборот тизимида 19 та йўналишда жами 1700 дан ортиқ расмий статистик кўрсаткич, 10 йиллик динамик қаторларда, шунингдек, 30 йиллик макрокўрсаткичлар 5 йиллик кесимда фойдаланувчиларга қулай ва бепул шаклда юклаб олиш учун 3 хил (Excel, PDF ва JPG) форматда ҳамда мустақил равишда интеграция қилиш учун 3 хил (CSV, JSON ва XML) шаклда жойлаштирилди ва доимий равишда янгилаб борилади.

Портални ишлаб чиқишда Япония, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон, Россия, Беларусь, Қозоғистон ва бошқа ривожланган давлатларнинг тажрибаси ўрганилди. Ундан ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар олиш мумкин.

СИАТ ахборот тизими тегишли вазирлик ва идоралар учун зарур статистик маълумотларни интеграция йўли билан электрон ахборот алмашинишни йўлга қўйиш ҳамда долзарб вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Порталда маълумотларни интерактив график, гистограмма ва диаграммалар кўринишида солиштириш, шунингдек, рейтинг шакллантириш ва кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларни белгилаш модуллари жорий этилган.

SDMX стандарти асосида ҳар бир статистик кўрсаткич бўйича метамаълумотларнинг тизимга жойлаштирилгани фойдаланувчиларга кўрсаткич биринчи бор эълон қилинган, янгиланган сана, унинг бирламчи манбаси, ҳисоблаган орган ва услубиёти, масъул бўлинма ва ходим тўғрисида ҳамда шу каби бошқа маълумотларни олиш имконини беради.

### “МҲТ — 2008” халқаро стандарти қандай мақсадларга хизмат қилади?

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи ҳисоблар ва жадвалларнинг муайян тўплами шаклида тузилган, ўзаро боғлиқ статистик кўрсаткичларни ўзида акс эттирадиган халқаро услубият бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини ўрганишга хизмат қилади.

МҲТнинг назарий асослари вужудга келиши ҳамда ривожланиши кўп йиллик тарихга эга. Унинг халқаро миқёсда тан олинган биринчи стандарти “МҲТ — 1953” ҳисобланади. Ушбу қўлланма 1968, 1993 ва 2008 йилларда янгиланиб, такомиллаштирилди. “МҲТ — 2008” халқаро стандарти 2009 йилда БМТ Статистика комиссиясининг 40-сессиясида қабул қилиниб, унда бир қатор муҳим иқтисодий жараёнларнинг статистик кўрсаткичларда ифодалаш услубияти такомиллаштирилган.

Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг аксарияти миллий ҳисоблар кўрсаткичларини БМТ ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг “МҲТ — 2008” халқаро стандарти қоидаларига мослаштирмоқда. ХВЖ маълумотларига кўра, унга аъзо бўлган 193 мамлакатдан биттаси “МҲТ — 1968”, 56 таси “МҲТ — 1993”, 136 таси “МҲТ — 2008” халқаро стандарти қоидалари асосида миллий ҳисоблар кўрсаткичларини шакллантириб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ўтган йилдан бошлаб “МҲТ — 2008” халқаро стандарти талаблари асосида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисоб-китобларини давлат молияси статистикаси ва тўлов баланси маълумотларига мувофиқ равишда амалга ошириш ҳамда Статистика агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш йўлга қўйилди. ЯИМни дискрет чораклар асосида ҳисоблаш тажрибасини жорий этиш орқали миллий ҳисоблар такомиллаштирилди.

Статистик кўрсаткичлар ҳисоб-китобларига халқаро таснифлагичлар жорий этилди. ЯИМни якуний истеъмол усулида ҳисоблашда давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари “Давлат бошқаруви органлари функцияларининг таснифи” бўйича шакллантирилди.

Якуний истеъмол усулида ҳисобланадиган ЯИМ таркибида уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари кўрсаткичи “Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи” асосида маълумотлар базаси юзага келтирилди. Капитал билан операциялар ҳисобининг “Асосий фондлар таснифлагичи” жорий этилиб, активларнинг турлари бўйича таснифлаш йўлга қўйилди.

Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини баҳолаш “МҲТ — 2008” халқаро стандарти талабларига мослаштирилди. Мазкур жараёнларнинг якуний босқичи сифатида молиявий воситачилик хизматлари ҳисоб-китоблари ҳам халқаро услубиёт талабларига мувофиқлаштирилди.

### Дастурда расман иштирок этишни бошладик

Халқаро таққослашлар дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистика соҳаси бўйича энг кенг қамровли ва муҳим глобал лойиҳаси ҳисобланади. У дунёнинг деярли барча давлатлари статистика идоралари иштирок этадиган халқаро статистик дастур бўлиб, валюталар харид қобилияти паритети, ялпи ички маҳсулот ва унинг таркибий қисмларини халқаро даражада ва мамлакатлараро таққослаш ишлари амалга оширилади.

Мазкур дастур глобал миқёсда ҳар 3 йилда бир маротаба эълон қилинади. Унинг 2021 йилги глобал босқичи натижалари 2024 йилда амалга оширилиши режалаштирилган.

Мамлакатимиз ушбу дастурнинг 2021 йилги глобал босқичида илк бор расман иштирок этди. Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, Ўзбекистоннинг ундаги иштироки билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш Статистика агентлиги зиммасига юклатилган.

Агентлик томонидан бу борадаги халқаро тажриба ўрганилди. Хусусан, МДҲга аъзо мамлакатлар қаторида ташкилотнинг Статистика қўмитаси билан кўплаб маслаҳатлашувлар ўтказилди. 2021 ва 2023 йиллар давомида ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган нархлар тўғрисидаги статистика маълумотлари шакллантирилди ва дастурнинг минтақавий координаторига тақдим этилди.

Мамлакатимизнинг ушбу кенг қамровли халқаро тадбирдаги иштироки натижасида ялпи ички маҳсулот ва унинг таркибий қисмларининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқ шакллантирилади, миллий ҳисоблар кўрсаткичлари ва нархлар статистикаси сифати яхшиланади, халқаро стандартлар, шу жумладан, миллий статистика амалиётига халқаро таснифлаш тизими жорий этилади. Шу билан бирга, иқтисодиётимизнинг ривожланиши тўғрисидаги статистик кўрсаткичлар кўламини халқаро даражада таққослаш ва таҳлил қилиш имконияти кенгайтирилиб, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Рауф НУРУЛЛАЕВ ёзиб олди.**

Кун мавзуси

# БЕТОНДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ БОР

**Ёзёвон тумани “Қоратепа” муқобил машина трактор парки ҳудудидаги “Умид” фермер хўжалиги ташаббуси билан бир километрдан ортиқ ички ариқлар бетонлаштирилди. Бу бежиз эмас.**

Сув фермер хўжалиги экин майдонларига Қоратепа қишлоғи оралаб ўтган ариқдан келади. Бу экинлар вегетацияси даврида ўзига хос қийинчиликлар келтириб чиқарган. Ўз вақтида тозалаб, ковланмаган ариқларни бегона ўт босиб, сув оқимига салбий таъсир кўрсатган. Меъёридан ортиқ сув ариқ қирғоқларини бузиб, сувнинг беҳуда оқиб кетишига сабаб бўлган. Хўжалик ҳудудидаги ички ариқларни бетонлаштириш борасида олиб борилган ишлар бу борадаги ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олмоқда.

— Қоратепа ариғи орқали 10 гектардан ортиқ экин майдонларини суғорамиз, — дейди фермер Умиджон Исоқов. — Бу мавсумда 6,8 миллион метр кубдан ортиқ сув талаб қилади, деганидир. Ариқлар бетонлаштирилганидан сўнг 2,4 миллион метр куб сув тежаб қолинмоқда. Иқтисод қилинган обиҳаёт қўшимча экинлар экиш орқали даромад олиш, янги иш ўринлари яратиш амалларида қўл келмоқда. Жорий мавсумда 20 гектардан ортиқ экин майдонларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этиш устида иш олиб боряпмиз.

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун керакли бўлган сув манбалари қўшни республикалардан оқиб келувчи Норин, Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх ва Исфара дарёларига боғлиқ. Асосий эҳтиёж Норин дарёси, Катта Фарғона ва Катта Андижон магистрал каналлари орқали қондирилади. Тоғ музликларининг йилдан-йилга камайиб бориши кичик сойлардаги сув захираларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу сувнинг ҳар томчисидан самарали ва мақсадли фойдаланишни талаб этади.

Кейинги йилларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Аммо бу хотиржамликка асос бўлмайди. Шу кунга қадар 120 минг гектар экин майдонларида замонавий сув тежовчи технологиялар жорий қилинди. Бу умумий экин майдонларининг 40 фоизини ташкил этади. Натижада биргина пахта майдонларига сарфланган сув ва бошқа ресурслар миқдори 40-50 фоиз тежалди, ҳосилдорлик 15-20 центнергача ошди.



*Шерзод Қорабоев олган сурат.*

— Жорий йилда кластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёридаги 1470 километрдан ортиқ ички ариқларни бетонлаштириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди. Бу бир мавсумнинг ўзида 114 миллион метр куб миқдорида сувни тежаш, экинларни суғориш билан боғлиқ иш жараёнларини тезлаштиришда яхши самара беради — дейди “Сирдарё-Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Фахриддин Турсунов.

Вилоятда сув тежовчи технологияларни жорий этишда талабгорларнинг биринчи навбатда молиявий ҳолатини эмас, балки “бир канал — бир тизим” тамойили асосида яхлит ҳудудлар танланиб, тизимли-гидрографик усул йўлга қўйилмоқда. Бунинг натижасида каналга ажратиладиган сув миқдори (лимит) ҳам тенг равишда қисқаради ва канал айланма график орқали суғориш тизимидан чиқарилади. Экин майдонларини электр ҳаво линиялари билан таъминлаш ишлари бирмунча енгиллашади.

— Соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш борасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар сув ресурсларини тежаш, ундан самарали фойдаланиш кўламини оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли, — дейди “Сирдарё-Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи Шоҳрухбек Мирзаев. — Ўтган йилнинг ўзида вилоят маҳаллий бюджети ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан 711 дона “Aqlli suv” ҳамда 132 дона “Dayver” қурилмасини ўрнатиш ва 1 дона сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш ишлари бажарилди. Айни кунда бу йўналишда яна 586 дона “Aqlli suv” қурилмаларини ўрнатиш бўйича пудратчи ташкилотлар томонидан шартномалар имзоланиб, қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Рақамли технологиялар ёрдамида “online” режимда сув сарфи ва сатҳи, уларнинг минераллашганлик кўрсаткичларининг мониторингини юритиш орқали ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш аниқлиги 20 фоизга оширилди.

Жорий мавсумда “Исфайрам-Шоҳимардон” ирригация тизими бошқармаси балансидаги 1 та йирик гидротехник иншоотни автоматлаштирилиши ҳисобига масофадан турган ҳолда бошқариш сувнинг техник йўқотилишини 10 фоизгача камайтиради. Йил якунига қадар “Сўх-Оқтепа” ирригация тизими бошқармаси ҳисобидаги йирик гидротехник иншоотларни автоматлаштириш ишлари якунланади.

Канал ва иншоотларни реконструкция қилиш, таъмирлаш орқали мавжуд сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган хорижий инвестициялар миқдори ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида бу мақсадлар учун 6,82 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоялар ўзлаштирилди. Бунинг ҳисобига 7 километр узунликдаги каналлар бетонлаштирилди, 6 километр сув ўзанларида таъмирлаш-тиклаш амалга оширилди. Айни кунда янги “Авваль-Лоғон” насос станциясини қуриш, “Исфайрам-Шоҳимардон” насос станциясини реконструкция қилиш борасида тизимли ишлар олиб боriляпти.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

Тарих ва тақдир



# АКА-УКА ЖАДИДЛАР

## Миллат ва маърифат фидойилари — Норбековларнинг армонли қисмати



**Улуғбек ДОЛИМОВ,**
*педагогика фанлари доктори, профессор*

**Бошланиши 1-бетда**

"Чиндан ҳам, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур. Лекин уларни ким тарбиялайди? Албатта, ўзимиз тарих сабоқлари, замон талаблари асосида тарбиялашимиз зарур".

Мана шундай миллат ва Ватан фидойилари орасида Комилбек ва Каримбек Норбековлар ҳам бор эди. Комилбек 1880 йилда, укаси Каримбек 1883 йилда таваллуд топган. 1890 йилда Муҳаммадаминбек иккала ўғлини 1-рус-тузем мактабига ўқишга беради. Улар рус тилини, математиканинг арифметик босқичини чуқур ўрганади. Шу билан бирга, ўзбек ва рус тилларида чиқиб турган "Туркистон вилоятининг газети" ҳамда "Туркестанские ведомости" газеталарини мунтазам ўқиб бордилар.

Фарзандлар кўпайиб, вояга етган сари бу оилага Ҳайтабекдан қолган "Ҳазрати Имом"даги ҳовли торлик қилиб қолади. Шу боис, 1890-йилларнинг охирларида Муҳаммадаминбек ҳовлисини укаларига қолдириб, Сағбон маҳалласидан каттагина ҳовли-ер сотиб олади ва шинам уй-жойлар барпо этади. Бу кўча Тошкент шаҳрини Ҳасанбой, Кўктерак, Сариоғоч, Келес ва бошқа қишлоқлар билан туташтирган энг кўҳна ва гавжум кўчалардан бўлган. Ушбу маҳалла аҳолиси, асосан, маҳсидўзлик билан шуғулланувчи косиблар, ямоқчилар, деҳқонлар, қассоблар, соҳибкор боғбонлар эди. Ака-ука Комилбек ва Каримбек отаси Муҳаммадаминбек бошчилигида 1890-йиллар охиридан чарм савдосини йўлга қўяди. Дастлаб улар маҳалла ҳунармандларини чарм билан мунтазам таъминлаш мақсадида рус савдогарлари билан алоқа ўрнатади. 1905 йили Комилбек ва Каримбек биринчи марта тижорат ишлари билан Москва ҳамда Петербург сафарига боради ва ўша давр учун ниҳоятда сифатли ҳисобланган чармдан катта миқдорда олиб келади, ушбу шаҳарларнинг савдо фирмалари билан шартномалар тузади. Бу сафар уларнинг катта тижорат ишлари учун дебоча вазифасини бажариб, шундан кейин рус тижоратчи фирмалари билан мунтазам савдо маҳсулотлари алмашиб туради. Шунингдек, улар Петербургда қуруқ мева — писта, бодом, ёнғоқ, туршак ва майиз билан савдо қилувчи дўкон очади. Бу дўкон Октябрь тўнтаришигача мунтазам ишлаб, катта фойда келтиради. Умуман, бу сафар Норбековларнинг маърифатпарвар савдогар сифатидаги фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

1907 йилда Норбековлар қоракўл тери билан савдо қилувчи қариндошлари Расулмуҳаммадбойнинг ўғиллари Набимуҳаммад ва Валимуҳаммадбой билан ҳамкорликда чарм маҳсулотлари: тагчарм ва устчарм ишлаб чиқарадиган завод қуриб, унга рус инженерларини, маҳаллий ҳунарманд-ишчиларни жалб этади.



Мол терисини жундан тозалаш, терини кимёвий усулда ошлаш, чармга пардоз бериш цехлари ташкил қилади. Аммо ўлкага Русия ҳамда Оврўподан мазкур завод маҳсулотларига нисбатан сифатлироқ ва арзонроқ тайёр чармлар кела бошлаши, бу жараённинг мунтазам тус олиши янги барпо этилган завод фаолиятини давом эттириш ҳамда ривожлантириш имкониятини чеклаб қўяди. Натижада ака-ука Норбековлар заводни бутун анжом-ускуналари билан қўшиб, Валимуҳаммадбойга топширади.

XX аср мазлум Туркистон ўлкасига ҳам момақалдироқ каби шиддат билан кириб келди, чақмоқ каби унинг жароҳатларини ёритиб юборди. Асрлар давомида турғунликка юз тутган маорифни, миллат турмуш тарзини тубдан ислоҳ қилиш ҳақида бонг урди. Миллат ва Ватан тақдири масаласи ҳаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига қўйилди. Усули жадид мактаблари, матбуот, театр, жамиятлар вужудга келди. Буларнинг замирида эса миллий уйғониш, ўзликни англаш, истиқлол ғояси ётар эди.

Комилбек ва Каримбек Норбековлар XX асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб Тошкент шаҳрининг, умуман, Туркистон ўлкасининг илғор зиёлилари, маърифатпарвар бойлари билан дўстлашади, уларнинг маърифий-сиёсий йиғинларида фаол иштирок эта бошлайди. Улар орасида Туркистон жадидчилик ҳаракатининг ҳақиқий маънодаги раҳбари Мунавварқори Абдурашидхонов ва у бошчилигидаги маърифатпарварлар Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Илҳомжон Инъомжонов, Шокиржон Раҳимий, заводчи-бойлардан Саидносир Миржалилов, Баширулло Асадуллахўжаев, Каттахўжа Бобохўжаев, Саидабдулло Саидкаримов, Фансуруллоҳбек Худоёрхонов, Мулла Юнус Туёқбоев, йирик жамоат арбоби Саъдулла Турсунхўжаев, яқин қариндошлари — тоғаваччалари ака-ука Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедов ҳамда шоирлар Чўлпон, Тавалло ва Элбек кабилар бор эди.

1913 йилда улар Абдулла Авлоний ва Мунавварқори бошчилигида 1909 йили ташкил этилган "Жамияти хайрия" негизида "Турон" хайрия жамиятини тузади. Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Мунавварқори Абдурашидхонов, Мулла Абдулла Авлоний, Муҳаммаджон Подшохўжаев, Каттахўжа Бобохўжаев, Баширулло Асадиллахўжаев, Низомиддин Асомиддинхўжаев ҳамда ака-ука Каримбек ва Комилбек Норбековлар ушбу жамиятнинг ташкилотчилари эди.

Жамиятнинг фаолият доираси кенгайиб, аъзолари ёш зиёлилар ҳисобига мустаҳкамланиб борган. "Турон" театр труппаси фаолият кўрсатган бино, "Турон" кутубхонаси ва қироатхонаси Туркистон жадидларининг доимий маскани бўлган. Ака-ука Норбековлар ва Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, ташкилот низомида кўрсатилганидек, халқимизни "соғлом томоша", маданий ҳордиқ чиқариш билан ошно қилиш, Оврўпо мамлакатларидагидек театрлар, кутубхоналар, қироатхоналар ёрдамида санъати нафиса асарлари билан таништириш, ёшларни тараққий этган чет эл олий ўқув юртларига юбориш, уларни вазифа (стипендия) билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор билан қаради. "Мактаб кутубхонаси" ширкатини бевосита Комилбек ва Каримбек Норбековлар ташкил этиб, унинг фаолиятига ўзлари бошчилик қилди. Улар нашриёт фаолияти доирасида мактаб дарсликлари ва ўқув қўлланмалари нашрига алоҳида эътибор қаратади.

1913 йили Норбековлар Сағбон маҳалласида каттагина масжид қурдиради. Масжид ичида усули жадид мактаби учун иккита катта хона ажратилади. Бу мактабнинг довруғи Сағбон ва қўшни маҳаллаларга тез тарқалади. Деразалари кўчага қараган бу икки ёруғ хонани бўйралар ўрнида парталар, стол-стуллар, деворларида хариталар, катта қора тахта, курраи арз (глобус) билан жиҳозлашади, ҳатто ўқувчилар мактаб томонидан замонавий дарсликлар билан таъминланади. Тарих, ҳисоб, жўғрофия, ҳандаса каби дарслар ўқитилади, қишда хоналар голланд печи билан иситилади. Бу тараққиётдан бутунлай узилиб қолган Сағбон ва қўшни Чиғатой, Қўрғонтеги, Қўштут, Қилбелбоғ, Ёв каби маҳаллалар аҳли учун очилган биринчи усули жадид мактаби эди.

Ўша йили Каримбек Норбеков мактабга ўқувчилар қабул қилади ва Абдулла Авлонийнинг шогирди, бешёғочлик жадид домласи Ғулом Қодирни муаллим этиб тайинлайди. Мактабни ўқув қуроллари билан таъминлаш, иқтисод билан боғлиқ ҳамма муаммоларни Комилбек ва Каримбек ўз зиммасига олган эди. Ушбу мактабнинг эътибори кун сайин ошиб борди, қўшни маҳаллалардаги эски мактаб ўқувчилари бирин-кетин ушбу мактабга ўта бошлайди. Довруқли мактабни кўргани эски мактабдорлар қатори эътиборли Кабир домла ҳам келади, янги, ёш домлага оқ фотиҳа беради ва ўз талабаларини ҳам шу мактабга топширади. Шу тариқа Тошкент шаҳрининг анча чекка ва янгиликлардан узоқ бўлган Сағбон маҳалласида ҳам Комилбек ва Каримбек Норбековларнинг саъй-ҳаракати билан янгича ўқитиш усулига асосланган биринчи усули жадид мактаби фаолият кўрсата бошлади. Вақт ўтиши билан унинг доираси кенгайиб, эски мактабдорлар ўз фаолиятига танқидий кўз билан қарайди, янгича ўқитиш усулига нисбатан рағбат уйғонади. Бу усули жадид мактаби шўро ҳукуматининг

> — ТЎХТА, КАРИМ! ЎЗИНГНИ БОС, УКА! ИККИТАСИНИ ОТАРСАН, УЧТАСИНИ ОТАРСАН. УЛАР ЖУДА КЎП, ҲАТТО БОЛЬШАВОЙЛАР ВАЪДАСИГА УЧГАН ТУРЛИ-ТУМАН ҚАРОЛЛАРНИ ҲАМ ИШГА СОЛИШГАН КЎРИНАДИ, ҲАММАСИ ҚУРОЛЛАНТИРИЛГАН, БУТУН АВЛОД-АЖДОДИМИЗНИ, ХАЛҚНИ ЙЎҚ ҚИЛИБ ТАШЛАЙДИЛАР! ТЎППОНЧАНГНИ ҲОЗИРОҚ ЙЎҚОТ! УЛАР ҲАЛИ КЕЛИБ, УЙИМИЗНИ ТИНТУВ ҚИЛИШДАН ҲАМ ТОЙМАЙДИЛАР.



Каримбек Норбеков

дастлабки йилларида ҳам совет мактаби сифатида фаолиятини давом эттирди.

Кексаларнинг айтишича, Тошкентнинг 1-Сағбон, 2-Сағбон, Чимбой, Қорасарой кўчалари ёзда тўпиқдан юқорига чиқадиган тупроқ, ёғингарчилик мавсумида эса юриб бўлмайдиган даражада лой бўлар экан. Бирор одам вафот этиб қолса, "Сағбон", "Чиғатой" ёки "Тешикқопқа" қабристонларига майитни олиб бориб кўмиш катта машаққат бўлган. Мана шундай оғир шароитда маҳалланинг катта бойлари Долимбек, Комилбек, Каримбек 1913 йилда Сағбон кўчасининг Эски Жўва бозоридан "Сағбон" қабристонигача бўлган 5-6 чақирим қисмини кенгайтириб, текислаб, тош тердирган. Натижада маҳалла аҳлининг мушкули осонлашган. Анча режали, чиройли ва мустаҳкам қилиб терилган ушбу тош йўл 1950-йиллар охиригача халқ учун хизмат қилган, кейинроқ устига асфальт ётқизилган.

Бу саховатпеша инсонлар, шунингдек, 1-Сағбондан "Чиғатой" қабристонигача бўлган 2-Сағбон кўчасида ҳам шундай ишни режалаштирган бўлса-да, 1917 йилги ур-йиқитлар, Норбековларга қаратилган таъқиб ва тазйиқлар бундай хайрли ишларни амалга оширишга имкон бермайди. Норбековлар бундай катта маблағ талаб қиладиган ишларни амалга оширишдек иқтисодий қудратга эга бўлган ишбилармон, тадбиркор бойлардан бўлган. Улар Москва, Петербург, Берлин, Париж, Варшава каби шаҳарлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйган, ҳар йили икки марта бу шаҳарларга мол олиб борган ва у ердан халқ эҳтиёжига зарур бўлган турли маҳсулотларни олиб келган. Улар оталари Муҳаммадаминбек ҳожи номидан йилда икки марта атроф маҳаллалардаги муҳтожларга закот берган. Закот пул шаклида эмас, кийим-кечак, газмол, пойабзал ва озиқ-овқат маҳсулотлари шаклида бўлган.

Бу оила Эски шаҳар аҳолиси ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган. Комилбекнинг Чимбойда, Каримбекнинг Чиғатой ва Келесда, Долимбекнинг Хўжакентда сўлим боғлари, катта ерлари, мевазорлари бор эди. Бу ер "Катта ер" деб аталиб, унда хизматкорлар ишлаган, узум шарбатидан катта-катта қозонларда шинни тайёрланган. "Катта ер"дан тушадиган даромад, асосан, хайрия жамиятларига, газета ва журналлар, дарслик ва қўлланмалар нашрига, театр ишларига сарф қилинган.

1914 йил 4 апрелдан Тошкентда Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев муҳаррирлигида, Норбековлар муассислигида Туркистон зиёлиларининг энг севимли нашрларидан бўлмиш "Садойи Туркистон" газетаси нашр этила бошлади. Газетани ташкил қилиш, унинг иқтисодий жиҳатлари Комилбек ва Каримбек Норбековлар зиммасида бўлган. Шунингдек, улар ўзларининг долзарб масалаларга бағишланган мақолалари билан ҳам газета саҳифаларида қатнашиб турган. Каримбек ўзининг "Бизим ёшларга миллий тарбия" мақоласида ёшлар тарбиясига миллат ва миллият масаласи нуқтаи назаридан қарайди.

Муаллиф қалбини эзган нарса миллатдошларининг хору залолатда, фақирликда яшаши, миллий ғурурнинг йўқлиги, ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги ва айниқса, уларнинг илм-маърифатдан маҳрум этилгани билан боғлиқ эди. Каримбек Норбеков мактаб ва мадраса ислоҳоти, замонавий таълим-тарбия, айниқса, аниқ фанларнинг миллат тақдиридаги аҳамияти ҳақида туркум мақолалар эълон қилди. У мақолаларида мактаб ва матбуотга халқни тараққий этган миллатлар билан ҳамқадам қилувчи, унинг шарафини улуғловчи асосий восита, деб қаради, миллий газета ва журналлар ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор берди. Шунинг учун ҳам унинг амалий фаолиятида кўпинча усули жадид мактаблари очиш, матбуотни халқ ҳаёти билан боғлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Комилбек ва Каримбек халқ онгида асрлар давомида сақланиб келаётган қолоқ одатларни, илм-фан тараққиётига тўғаноқ бўлаётган мутаассибликни таг-томири билан суғуриб ташлаш мақсадида улуғ озарбайжон маърифатчилари Жалил Мамадқулизоданинг "Мулла Насриддин", Мирзо Алиакбар Тоҳирзода Собирнинг "Хўп-хўпнома"сига ўхшаган расмли, оммабоп ҳажвий журнал ва мажмуалар нашр этишни режалаштирди.

1914 йил 27 февралда маънавиятимиз тарихида том маънода буюк воқеа содир бўлди. Тошкентда "Колизей" театри биносида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси Мунавварқори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигидаги "Турон" театр труппаси ҳаваскорлари томонидан саҳнага олиб чиқилди. Матбуот бу кунни ҳақли равишда "тарихий кун" деб ёзди. Ҳақиқатан, бу кун Ўзбек Миллий театрининг туғилган куни бўлди. Бу тарихий воқеанинг катта ҳаракат ва маблағ талаб қилувчи ишлари —

> **Большевиклар истиқлолчилик ҳаракатини қонга ботириб, 1927-1928-йиллардан ўз мавқеларини анча мустаҳкамлаб олгач, ҳамма эркинликларга чек қўяди. Шу даврда Норбековларнинг ишлаб турган дўконларига ҳам қулф солинди, савдо-сотиқ ишлари бутунлай тўхтатилди.**

театр биноси, саҳна жиҳозлари, кийим-кечак ижара тўловлари, афиша, маромнома, чипталар ва бошқалар, асосан, Комилбек ва Каримбек зиммасига тушган эди. Бу тарихий воқеа ҳақида жадид публицистлари туркум мақолалар, атоқли шоир Тавалло учта шеър битди. Учала шеър ҳам шоирнинг 1915 йилда Норбековлар муассислигида нашр этилган "Равнақ ул-ислом" тўпламига киритилган. Уларнинг бирида шундай сатрлар бор:

*Чўх мунаввар этди оламни*
*Мунаввар қоримиз,*
*Кўрдимиз равшанлиғидин*
*феълимиз, атворимиз...*
*Саҳнага қўйди "Падаркуш"*
*фожиа Беҳбудидин,*
*Баҳра олди ўрусу арман,*
*ўзбаку тоторимиз...*
*Бас, Убайдулло, Каримбеку*
*Низомиддинлара,*
*Жумла қатнашганга*
*то ўлгунча миннатдормиз...*

Ушбу шеър кейинги мактаб дарсликларига ҳам кирди ва миллат фарзандлари тарбиясида муҳим аҳамият касб этди. Норбековлар "Турон" театр труппасининг кейинги фаолиятида ҳам сезиларли из қолдирди, айниқса, унинг катта пул, маблағ билан ҳал қилинадиган харажатларига яқиндан ёрдам берди. Бу ҳақда 1915 йили "Садойи Туркистон" газетаси таҳририяти мамнуният билан: "Билетлар сотишда кўп фойдалари теккан Комилбек Норбеков, Каримбек Норбеков афандиларга идора тарафидан кўп раҳмат ва ташаккурлар арз қилурмиз", деб ёзган эди.

1916 йил ўрталарида Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ҳамда ака-ука Норбековлар ҳамкорликда "Муаллимлар жамияти"ни ташкил этади. Жамиятнинг асосий мақсади иқтидорли ёшларни тараққий этган чет эл олий ўқув юртларига юбориш, юртимизда келгусида очилажак олий ўқув юрти



Комилбек Норбеков рафиқаси Кароматхон билан

(Архив суратлар)

учун замонавий олий маълумотга эга бўлган мутахассис-педагоглар тайёрлаш, рушдия мактаблари очиш ва улар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар нашр этиш эди. Жамият ўлка зиёлилари билан маърифатпарвар мулкдорларни бир мақсад сари бирлаштирди, шундай улуғ мақсадларга бағишлаб бир неча мажлислар режалаштирди. "Турк эли" газетасининг ёзишича, мана шундай йиғинларнинг энг эътиборлиси 1917 йил 24 сентябрда якшанба куни кечқурун Мунавварқори Абдурашидхонов меҳмонхонасида ўтказилади. У бу "миллий зиёфат"га юз кишини махсус даъватнома билан таклиф этади, чамаси 60 киши бу "даъватга ижобат қилиб" зиёфатга ташриф буюради.

Мунавварқори ўз нутқида шаҳарнинг эътиборли кишиларини, маърифатли бойларини миллат, Ватан истиқболи учун "Муаллимлар жамияти"га моддий ёрдам кўрсатишга даъват этади. Шундан сўнг 46 киши кўнгилдан чиқариб, имконияти даражасида хайрли ишлар учун жамият фойдасига пул беради. "Турк эли" газетасида таҳририят катта ҳурмат ва эҳтиром билан уларни номма-ном тилга олган. Бу йиғинда жамият учун иона қилинган 5585 сўм (рубль) маблағ асосан иқтидорли ёшларни чет эл олий ўқув юртларида ўқитишга сарф этилажаги таъкидланади. "Мунавварқори жанобларидан сўнгра онинг сўзини тақвия қилиб, бир неча кишилар тарафидин нутқлар сўйланди. Бундан сўнг иона қилмоқни хоҳлаган кишиларни рўйхат қилинди. Бу афандилардан муҳтарам Комилбек ва Каримбек Норбекоф афандилар тезда ўз хоналарида шундай бир "миллий зиёфат" ясаб, иона йиғиб бермоққа ваъда қилдилар".

Тилга олинган мақолада айтиб ўтилганидек, кейинги "миллий зиёфат" Комилбек ва Каримбек Норбековлар мутасаддилигида уларнинг Сағбондаги меҳмонхоналарида ўтиши керак эди, куни ҳам белгиланган, даъватномалар ҳам тайёрланган эди. Афсуски, бир-бир ярим ойдан кейин содир бўлган инқилоб деб аталмиш ур-йиқитлар, ваҳшийликлар туфайли миллат истиқболи учун бундай хайрли ишларни амалга ошириш имконияти бўлмади, бунинг устига нафақат Норбековлар, балки рўйхатда исм-шарифлари тилга олинган барча миллат ва маърифат фидойилари ҳам қаттиқ таъқиб остига олинди.

Фаолият доираси анча кенг бўлган "Турон" хайрия жамияти қошидаги, Комилбек ва Каримбек муассислигида "Мактаб кутубхонаси" нашриёти томонидан Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Муҳаммадрасул Расулий, Рустамбек ибн Юсуфбек ҳожи, Мўминжон Муҳаммаджон ўғли — Тошқин, Ҳожи Муин, Мажид Қодирий, Абдусамеъқори, Шокирқори ибн Зокирқори домла каби ўнлаб педагог ва муаллимларнинг турли фанларга оид 20 га яқин дарсликлари, ўқув қўлланмалари нашр этилди ва мактабларга тарқатилди. Бундай дарсликлар Туркистон ўлкасининг Тошкентдан бошқа шаҳарларидаги жадид мактабларига ҳам етказиб бериларди. Вақт ўтиши билан эса бу нашрлардан ўз фаолиятига танқидий қаровчи эски мактабдорлар ҳам фойдалана бошлади. "Мактаб кутубхонаси" нашриёт ширкати томонидан чоп этилган китоблар Эски шаҳардаги 1-рус-тузем мактаби биносида жойлашган "Туркистон" ва Чорсудаги "Равнақ" номли энг катта китоб дўконларида сотилар эди. Бу ишлар, табиийки, катта маблағ ва ташкилотчиликни талаб қиларди.

Дарҳақиқат, 1917 йил жадид мутафаккирлари, жумладан, Комилбек ва Каримбек учун ҳам қувонч ва изтиробларга тўла йил бўлди. Февраль инқилобининг Романовлар тахтини барбод қилиши уларда миллат ва Ватаннинг мустамлака зулмидан озод бўлишига ишончни кучайтирди. Аммо 1917 йилнинг 25 октябрида Петроградда амалга оширилган тўнтариш муносабати билан Мувaққат ҳукумат ағдариб ташланди ва бутун ҳокимият большевиклар қўлига ўтди. Большевиклар Тошкентда ҳам ҳукуматни эгаллаш учун тўрт кеча-кундуз қирғин уюштирди. Бундай тўнтаришда, асосан, рус ҳарбийлари фаолият кўрсатди. Шундай қилиб, большевиклар минг-минглаб бегуноҳларнинг тўкилган қони ва жони эвазига ҳокимият тепасига чиқди. Шундай катта қирғин вазиятда Каримбек Норбеков тўппончасини олиб:

— Ҳамма большевикларни пешанасидан отаман! — деб кўчага чиқади.

Катта акаси Долимбек "ҳай-ҳай"лаб унинг йўлини тўсади:

—Тўхта, Карим! Ўзингни бос, ука! Иккитасини отарсан, учтасини отарсан. Улар жуда кўп, ҳатто большавойлар ваъдасига учган турли-туман қаролларни ҳам ишга солишган кўринади, ҳаммаси қуроллантирилган, бутун авлод-аждодимизни, халқни йўқ қилиб ташлайдилар! Тўппончангни ҳозироқ йўқот! Улар ҳали келиб, уйимизни тинтув қилишдан ҳам тоймайдилар.

Большевиклар истиқлолчилик ҳаракатини қонга ботириб, 1927-1928-йиллардан ўз мавқеларини анча мустаҳкамлаб олгач, ҳамма эркинликларга чек қўяди. Шу даврда Норбековларнинг ишлаб турган дўконларига ҳам қулф солинди, савдо-сотиқ ишлари бутунлай тўхтатилди.

Мунавварқори Абдурашидхонов ва унинг яқин сафдошлари қамоққа олиниб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоб-уқубатлардан сўнг Москвада отиб ташлангач, у билан яқин ҳамкорликда бўлган Норбековларнинг ҳам ҳаёти хавф остида қолди. 1930 йилнинг куз ойларида улар қамоққа олиниб, Тошкентнинг "Москва" турмасига ташланади. Бу зиндоннинг азоб-уқубатлари, терговлари бир ярим йил узлуксиз давом этади. 1932 йилнинг баҳор ойларида Комилбек ва Каримбек Норбековлар "Мунавварқорининг давомчилари", "миллатчи" ва бошқа айбловлар билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилади ва Новосибирскка сургун қилинади. Дадамнинг гапларига қараганда, бечора маҳкум оталарим ўшанда тоталитар тузум томонидан отиб ташланмаганига ҳам Аллоҳга шукроналар айтган экан, чунки Мунавварқорининг маслакдошлари сифатида уларни ўлимга ҳукм қилиш хавфи ҳам йўқ эмас эди. 1933 йили Комилбек ва Каримбекнинг ҳовли-жойлари, ерлари, дўконлари, мол-мулки тортиб олинди. Бор-будидан айрилган жабрдийда оилалари эса яқин қариндошлари паноҳида қўним топди.

1936 йили шўролар даврида масъул лавозимда фаолият кўрсатган Комилбекнинг қайниси, ҳам амакиваччаси Қосимбек Йўлдошбеков Новосибирскка бориб, поччаси Комилбекни Тошкентга олиб келади, аммо Каримбек Тошкентга келишдан қўрқиб, Синьцзян Уйғур автоном районининг Ғулжа шаҳрига ўтиб кетади. Комилбек эса ўлимни бўйнига олган ҳолда Тошкентга оқшом пайтида кириб келади. Аммо унга оиласи, фарзанди аржумандлари билан кўришиб, уларни бағрига босиш насиб этмади. Унинг бу келишидан олдиндан хабар топган ГПУ айғоқчилари қочқин сифатида ўша соатдаёқ уни олиб кетиб, сургунга маҳкум этади. Яна етти йиллик сургун давомида шўро ҳукуматининг турли-туман ғайриинсоний азоб-уқубатларини кўравериб толиққан Комилбек Норбеков 1943 йилда сургун муддатини тугатиб, ич терлама касали билан оғриган ва чалажон ҳолда Тошкентга — ўз оиласи қучоғига қайтади. Шўро ҳукумати ўз мақсадига эришиб бўлган эди. Комилбек уч ой ётиб, оиласи, болалари ва қариндош-уруғлари билан видолашиб, 63 ёшида ҳаётдан кўз юмади. Ўз халқининг порлоқ истиқболи учун нафақат молини, ҳатто азиз ҳаётини ҳам бахшида этган инсон Комилбек Норбеков мустабид шўролар мустамлакачилик сиёсатининг қурбони бўлди. 1955 йили рафиқаси Каромат буви ҳам вафот этди. Улар Кўкча дарвозасидаги "Зайниддин бува" қабристонига дафн этилган. Аллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин.

Юқорида маълум қилганимиздек, Сибирь сургунидан қочгач, Тошкентга келишдан қўрқиб, Ғулжага кетган Каримбек Норбековнинг ҳаёти бир оз бошқачароқ кечди. Ватанидан қувғин қилинган тошкентлик шўро муҳожирлари қаторида у ҳам Ғулжага паноҳ излаб кириб борди. *"Биз тошкентлик беш киши 1936 йилнинг баҳорида Ғулжа шаҳрига кириб бордик. Бу ерларга ҳам шўро ГПУчиларининг шум қадами тегиши билан тинчлик-омонлик, хайр-барака барҳам топди. Айниқса, шўро ҳукумати қаҳр-ғазабига учраган биз каби ватанжудоларнинг аҳволи фожиали бўлди, Шин Дубан зиндонлари Шўро зиндонларидан баттарроқ эди"*, дейди у кейинроқ.

Сталин ўлганидан сўнг шўролар иттифоқи ижтимоий-сиёсий ҳаётида бир оз илиқлик вужудга келади. Чет элларда қувғинда яшашга мажбур бўлган ўзбек муҳожирлари ҳам ўз ватанига қайтиш имкониятига эга бўлади. Шулар қаторида Каримбек Норбеков ҳам Тошкентга 24 йиллик айриликдан кейин 1956 йилда қайтади, фарзандлари, набиралари билан дийдорлашади.

Карим отам қайтиб келиб, 14 йил яшади. Аммо сургун ва қамоқларда кўрган-кечирган азоб-уқубатлари ҳақида эркинроқ гапира олмай, худди шўро ҳукумати охирги нафасларигача ёнларига кўз кўрмас айғоқчи қўйиб қўйгандек, ҳатто бизлардан ҳам ҳадиксираб ўтиб кетди. Каримбек Норбеков 1969 йили, турмуш ўртоғи Шарофат буви 1980 йили вафот этди. Улар "Камолон" қабристонига дафн этилган. Аллоҳ уларнинг охиратини обод қилган бўлсин.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, атоқли публицист Абдурауф Музаффарзода "Садойи Туркистон" газетасида 1915 йили эълон қилган "Шукр ва рижо" мақоласида Комилбек ва Каримбек Норбековларни "Тошкентнинг машҳур тараққийпарвар ва ҳур фикрли зотлари" деб атаган эди. Истиқлол туфайли уларнинг мўътабар номи халққа қайтарилмоқда. Тарихдан маълумки, ўз халқини қуллик асоратида сақлаган, маънан етук зиёлиларига, олимлари ва шоиру ёзувчиларига жаллодлик қилган ҳукуматнинг умри узоққа бормайди, ер юзидан супуриб ташланади. Мустабид шўро ҳукуматининг тақдири ҳам шундай кечди. Натижада халқимиз истиқлолнинг мусаффо ҳавосидан эркин нафас олиш, ишлаш ва ижод қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

**Юрт сарҳадларини янада сергак ва ишончли қўриқлаш, она Ватан олдидаги масъулиятли бурчни муносиб адо этишда катта ё кичик танаффуслар, турли таътиллар бўлмайди, бунда бир лаҳза ҳам киприк қоқилмайди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz

## Халқ ва армия — бир тану бир жон!



# АЗАМАТЛИК ҚУДРАТИНИ *енгиб бўлмайди*

**“Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!”. Жарангдор, юракка яқин, қулоққа оҳанрабодай эшитилувчи бу жумлани, аслида, ҳар куни такрорлаймиз, такрорлаган сари қалбимизда ажиб ғурур, ўзгача завқ-шавқ туяверамиз. Бироқ ўтган йили АҚШда ўтказилган “Энг илғор жангчи — 2023” мусобақасининг мутлақ ғолиби бўлиб, шоҳсупага кўтарилганимда биргина шу жумланинг масъулияти нечоғлик шарафли, улуғвор ва масъулиятли эканини янада теран ҳис этдим”, дейди кичик сержант Азамат Кенжаев.**

Ҳа, дунёда шарафли касблар кўп, лекин ўз она Ватанинг, киндик қонинг томган муқаддас заминни ҳимоя қилиш, бағрикенг, меҳридарё халқинг хизматида бўлиш энг шарафлисидир. Айниқса, бу салоҳият халқаро майдонда эътироф этилса, кишига ўзгача ғурур беради. Қуролли Кучларимизнинг Халқаро армия ўйинларидаги иштироки, қудрати ва салоҳияти буни исботламоқда.

2023 йил 17-24 март кунлари АҚШнинг Миссисипи штатидаги “Camp Shelby” ҳарбий ўқув базасида бўлиб ўтган “Энг илғор жангчи — 2023” мусобақасида Азамат Кенжаев ҳам иштирок этди ва мутлақ ғолиб бўлди.

— Ўз мақсадларимга эришишда мазкур мусобақа катта куч, руҳий мадад бериб, ҳаётий қарашларимни тубдан ўзгартириб юборди, — дейди Азамат. — Мен зафар қучишни чин дилдан истаган ва шунга яраша бор кучим билан ҳаракат қилган бўлсам-да, муваффақият қозонишимни кутмагандим. Бизни ғолиб деб эълон қилинган маҳал ўзимни дунёдаги энг алпқомат, тоғни урса толқон қиладиган паҳлавондек ҳис қилдим. Ўша кун ҳаётимдаги фараҳбахш ва ўзимни мисли Алпомиш чоғлаган кун сифатида хотирамда бир умр муҳрланиб қолади.

Эндигина 21 ёшни қаршилаган ва ҳарбийликни ҳаётининг мазмуни деб билган Азаматнинг сўзларини тинглар эканман, жаннатмонанд она диёримиз сарҳадларини қўриқлаб, фаровон ҳаётимиз осойишталигини муҳофаза қилиш қанчалар шарафли бўлмасин, азиз жони гаровга тикиладиган ғоят машаққатли вазифа эканини тан олмай иложимиз йўқ. У 2018 йилдан буён Ватанимиз сарҳадларида юрт посбони деган муқаддас бурчни оқлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. 2021 йилда Покистон Ислом Республикасининг Лаҳор шаҳрида III халқаро кўпкураш мусобақасида ҳам фаол иштирок этган.

### Юрт ҳимоясига шайлик болаликдан шаклланган

Асли Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида катта бир оилада олтинчи — кенжа фарзанд бўлиб улғайган қаҳрамонимиз ёшлигиданоқ аскар бўлишни орзу қилган. Айниқса, болалигининг беғубор дамларида телевизор орқали аскарлик либосидаги йигитларни кўрса, ҳавас билан “Катта бўлсам, мен ҳам ҳимоячи бўламан, юртимни ёвуз одамлар ва ёт нигоҳлардан қўриқлайман!” деган орзу-ниятлар қуршовида ҳар куни спорт билан шуғулланар, “Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!” деб қўярди баланд овозда. Яхши ният ижобат бўлади, деганларидек, бугун бу аскар йигитга кўпчилик ҳавас билан боқади. Ҳа, Азамат қўлга киритган ютуқлар болаликдаги ўша орзуларнинг ушалиши бўлса, не ажаб.





Азамат Кенжаев 2012 йилда умумтаълим мактабининг 9-синфини тугатиб, Сариосиё туманидаги педагогика касб-ҳунар коллежига ўқишга кирди. 2015 йили коллежни ҳам муваффақиятли тамомлади. Ўқиб юрган кезларидаёқ бутун хаёли аскарлик либоси ва унинг асл эгаси бўлиш ўйлари билан банд бўлган муштдеккина ўспириннинг орзу-ўйлари баъзан ўз бошига ҳам сиғмай қоларди. Коллежни тугатганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтади, йигитлик бурчини адо этди. Бу қисқа муддат унинг ўша орзулари рўёби бўлиб туюлди. Аскарлик ҳаётини давом эттиришни ихтиёр қилди.

Ҳарбий хизмат бурчини ўташ баробарида мудофаа вазирлиги тизимида ўтказилган ҳарбий кўпкураш, ҳарбий эстафета ва ҳарбий марафон мусобақаларида мунтазам иштирок этиб, доим ғолиблар сафида бўлди. Айни пайтда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги ҳарбий қисмда хизматни давом эттирмоқда.

— Ватан ҳимоячилари сарҳадларимиз хавфсизлиги таъминотчиси, тинч ҳаётимизнинг кафолатли ва ишончли вакиллари, тенгсиз баҳодирлардир. Бу билан барчамиз чин маънода фахрланамиз, — дейди Тошкент ҳарбий округ матбуот хизмати бошлиғи, подполковник Бекмурод Далматов. — Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси Азамат Кенжаев Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган “Энг илғор жангчи — 2023” мусобақасида АҚШ Миллий гвардиясининг Махсус бўлинмалари ҳарбий хизматчилари билан куч синашиб, ғолибликни қўлга киритгани ўзбек ёшларининг нималарга қодирлигини намоён этди десак, муболаға бўлмайди. У 15 килограмм юк билан 20 километр масофага марш югуриш шартини 1 соату 54 дақиқада бажариб, мусобақа рекордини янгилади.

Азамат каби ёш аскарларимиз бу мусобақада нафақат куч синашди, балки ўз билим ва тажрибасини бойитди, белгиланган меъёр талабларини бехато ва энг асосийси, ўз вақтида бажариб, маҳорат кўрсатди. Бу эса ҳақиқий мардлик ва шижоат намунасидир.



### Катта ва кичик танаффуслар, таътиллар бўлмайди

Мақолани мухтасар қилар эканмиз, масъулиятли ва шарафли касб эгаларининг келгуси фаолиятига янада улкан зафарлар тилаган ҳолда, Фузулийнинг “Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю, мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим”, деган фикри исботини Азамат Кенжаев каби жасур йигитларимиз фаолияти мисолида кўргандай бўлдим. Кичик сержантнинг катта ютуқлари, ҳарбий деган улуғвор номга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Зеро, сизу биз мана шу жумлаларни ўқиб турган чоғимизда ҳам ҳарбийлар жанговар тайёргарликни ошириш, касбий маҳоратни юксалтириш борасида амалий ишларини давом эттираётган бўлади. Чунки юрт сарҳадларини янада сергак ва ишончли қўриқлаш, она Ватан олдидаги масъулиятли бурчни муносиб адо этишда катта ё кичик танаффуслар, турли таътиллар бўлмайди, бунда бир лаҳза ҳам киприк қоқилмайди.

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

## Туҳфа

# ҲАРБИЙ ОИЛАСИНИНГ МУҚИМ ЯШАШ МАНЗИЛИ ЎЗГАРДИ



**У парда ипини астагина тортди. Иссиқ ҳарорат ҳовуридан “терлаган” деразани қўли билан хиёл артди-да, пастдаги гавжум болалар майдончасига кўз қирини ташлади. Ажойиб манзара юқоридан кафтдек кўринаркан. Етти ёшли ўртанча ўғли Ибратбекни нигоҳи билан қидириб топди. Юзига майин табассум ёйилди, юраги энтикди. Янги уйга эга бўлганидан пайдо бўлган қувонч ва ҳаяжон уни ҳануз тарк этмаганди. Хаёли узоқ-узоқларга кетди...**

Тепа қаватга лифтда кўтарилган тўнғич фарзанди Усмонбекнинг янгроқ овози қулоғига чалинганида ҳали ҳам тирсагига суяниб турганини, бармоқлари увушганини сезди. Дилбандининг чеҳрасида шодонлик уфурарди. Ҳаммадан ҳам кўра унинг қувончи чексиз, ўзига сиғмасди. Боиси, болакай Бухоронинг Қоракўл туманида дунёга келиб, 4-синфгача бир эмас, нақ учта мактабга кўчиб ўқиганди. Янги синфдошлари билан танишиб, атроф-муҳитга энди мослашганида ва дўст орттирганида кутилмаганда яна бошқа жойга кўчишарди.

Энди бундай хавотир, омонат вазият бўлмаслигини ич-ичдан ҳис этиб турибди. Ўзларининг доимий уйлари бўлиши ҳақидаги хушхабарни эшитганида беғубор хаёллар оғушида “Урра, энди ҳеч қаерга кўчмаймиз, паркка ҳам тез-тез борамиз”, дея ич-ичидан жуда қувонди болакай.

Подполковникнинг ўзи ҳам катта машинада Қашқадарё, Фарғонаю Наманган бўйлаб доимий юк ортмоқлаб юришдан безиганди. Ахир 19 йил мобайнида 11 марта кўчишнинг ўзи бўладими?! Бир ҳафтадирки, қишлоқдаги ҳовлисида бола парвариши билан машғул аёли Гулбаҳор кенжатойи Нурмуҳаммадни бағрига босиб, кўнгил хотиржамлиги ва қувонч оғушига чўмган. Шинам хонадонга мўлжаллаб оҳори тўкилмаган идиш-товоқ ва хўжалик буюмларини, кийимларни тайёрларди. Мунтазам ижарама-ижара уйларга ташиган “лаш-луш”ларга назари тушмаслиги ва ўша қўнимсиз йилларни эсламаслик учун уларни омборга элтиб ташлади.

Қаҳрамонимиз Исмоил Ўринбоев асли кўҳна Ахсикентдан. Тўрақўрғондаги 52-ўрта мактабни ва туманнинг Оқтош шаҳарчасидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатни аъло баҳоларга тугатди. Лицейда ётиб қолиб ўқирди, меҳрибонлари ҳузурига ҳафтада бир борарди, соғинч уни тез улғайтирди. 2005 йилда жисмоний ҳолати ва тест имтиҳонларига кўра яхши натижа тўплаб, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти бўлди ва 2009 йилда муваффақиятли тамомлади.

Ишга ҳар куни Тўрақўрғон туманининг Шаҳанд қишлоғидан қатнарди. Қатъий тартиб-интизом ва фавқулодда топшириқларни қамраган фаолияти сабабли кўпинча эрта кетиб, кеч қайтарди. Олис масофа толиқтириб, кўп вақти йўлга совурилса ҳам “ойнинг ўн беши ёруғ”лигига ишонарди.

Бугун тонгда эса пенсионер ота-онаси — фахрий ҳисобчи, боғбон Инъомжон ака ва ҳамшира, моҳир каштачи Зулфия опанинг дуосига кўмилди. Ёшлиги ўтган қадрдон ҳовлиси билан нигоҳи ила хайрлашди. Дарвоза остонасидан ҳатлаб, шоҳкўчагача ҳамроҳлик қиладиган қўшариқдаги тиниқ оқаётган сув ҳам худди уни янги бошпана билан қутлаётгандай эди гўё.

Рўпарасида улкан Сирдарё шовиллайди. Қаршисида Фарғона водийсининг маркази саналган Ахсикент археологик ёдгорлиги тарихимизнинг саҳифалари каби намоён бўлаверади. Ҳар куни ана шу тарихий масканлар ёнидан ўйга чўмиб ўтарди.

Касаллик оқибатида барвақт оламдан ўтган раҳматли акасининг ҳаётлигида айтган васиятини бажарганидан, ички ишлар ходими бўлишни орзулаган суянган тоғининг армони ушалганидан мамнун.

— Икки опам ўз турмушидан тинчиган. Биттагина акамнинг умри қисқа экан. У ҳарбийликка қизиқарди ва шу касбни эгаллашимни тайинлаганди. Мана, истагини бажо келтирдим, руҳи шод бўлишидан умидворман, — дейди Шарқий ҳарбий округи Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари Исмоил Ўринбоев. — Аслида, болалигимда элчи бўлишни хоҳлардим. Дипломатликка ҳавасим баландлиги учун тарих, адабиёт, ҳуқуқ ва аниқ фанларни намунали ўзлаштирардим. Ҳаш-паш дегунча, ҳозир фаолият юритаётган соҳамда хизматни бошлаганимга 20 йил тўлибди. Ишим, асосан, ёшлар, ёш ҳарбий хизматчилар билан бевосита боғлиқ.

Ҳарбий либоси ўзига ярашган ва савлатли Исмоил ака мамлакатимизнинг турли вилоятларидаги Тошкент, Денов, Навоий, Каттақўрғон, Қарши ва Марғилон шаҳарларида, Қоракўл ва Нишон туманларидаги ҳарбий қисм, сафарбарлик чақируви резервида ва ҳарбий округлар бошқарув аппаратида ўринбосар, катта офицер лавозимларида унга юклатилган вазифаларни сидқидилдан уддалади.

Қатор малака ошириш курсларида билим-кўникмаларини бойитди. Хусусан, психолог ва юрист мутахассислиги бўйича ҳам махсус сертификатга эга. Шиори — йигит кишига қирқ ҳунар оз. Деҳқончилик, чорвачилик ва дурадгорликдан тузуккина хабардор. Ютуқлари мўл, раҳбарлари ва касбдошлари эътирофига сазовор, ҳурмат қозонган. Хусусан, аввалроқ Шарқий ҳарбий округи қўмондонининг жанговар ва маънавий-маърифий ишлардаги ва 2023 йил якунларига оид учрашувда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги илғорлиги учун Наманган вилояти ҳокимининг ташаккурномаси ва қимматбаҳо эсдалик совғаси билан тақдирланди.

2012 йилда Мудофаа вазирлиги қошидаги “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастури” юзасидан қўлга киритган халқаро сертификати туфайли иш ҳақига ҳар сафар қўшимча устама ёзилади. Инглиз тилини яхши ўзлаштирган. 2009 йилда лейтенант, 2011 йилда катта лейтенант, 2013 йилда капитан, 2017 йилда майор ва 2021 йилда подполковник унвонларини олди.

Исмоил ака билан қуриб битказилган янги уйларни топширишга бағишланган тантанали тадбирга тайёргарлик жараёнларида ва идорасида самимий мулоқот қурдик. Дастлаб азиз устозлари — ўрта мактабдаги илк муаллими Маъмурахон ая Қосимова ва математика фани ўқитувчиси Ёқубжон домла Сиддиқов, лицейдаги чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Валижон Камолов ҳамда Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи, полковник Искандар Маллаевнинг исмини алоҳида эҳтиром билан тилга олди. Қаранг, ҳозир ўзи ҳам устоз мақомига етишди, шогирдлари талайгина.



Белгиланган тартибга кўра, ҳарбий хизматчиларнинг фидокорона, самарали меҳнатига мукофот тариқасида давлат икки ва уч хонали уйлар ажратади. Республика мудофаа вазирининг тегишли буйруғига мувофиқ, бу галги рўйхатда 56 киши тасдиқланди. Аксарияти бошқа вилоятларда шартнома асосида шарафли вазифасини ўтамоқда. Улар ичида қаҳрамонимиз Исмоил ака ҳам бор ва бунгача унинг номзоди кетма-кет беш йил тавсия этилганди. Насибаси ва навбати 2024 йил бошида экан.

> **“Хонадон нархининг 25 фоизлик бошланғич тўловига давлат ҳомийлик қилади. Қолгани эса 20 йил муддатга 14 фоизли имтиёзли кредит билан ойма-ой узилади.”**

Эътиборлиси, хонадон нархининг 25 фоизлик бошланғич тўловига давлат ҳомийлик қилади. Қолгани эса 20 йил муддатга 14 фоизли имтиёзли кредит билан ойма-ой узилади.

Худди ҳарбийдек тик қад ростлаган 16 қаватли турар жой теварағи файзга чулғанган. Ватан ҳимоячилари куни арафасидаги очилиш маросимида орзиққан кўнгиллар энтикди. Олтинрангленталар боғланган хонадон калитлари тақдим этилганида гулдурос олқишлар авжланди, миннатдорлик туйғулари жўшди, эзгу ниятлар, табриклар билдирилди, шахдам қадамлар билан ёруғ истиқболга юзланилди.

Табиийки, чиройли хоналарни жиҳозлаш барчани ғайрат-шижоатга ундайди. Албатта, янги қўшнилар билан танишишга, фарзандлар эса янги ўртоқ ва дугоналари билан маза қилиб ўйнашга иштиёқманд. Умуман, иншоотнинг қулай жиҳатлари бисёр. Жумладан, марказий йўл бўйида, мактаб, боғча, тиббиёт пунктига яқин ҳудудда жойлашган.

Қаҳрамонимиз шундай сабоқ-хулосани такроран англадики, фақат тинимсиз изланиш, ҳар қайси юмушга масъулият билан ёндашиш ҳақиқий мавқени белгилашини икки карра тушунди. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимиз тинчлик-осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшиш, кечаю кундуз огоҳлик-ҳушёрликка интилиш жамики аскарларнинг, азаматларнинг муқаддас бурчидир. Юксак салоҳиятли, мард ва ақл-заковати кучли, изчил ислоҳотларга дахлдор ёш ва тажрибали кадрларга боқсангиз, уларнинг қудратли миллий армиямизга камарбасталиги фахрланишга арзийди.

Ҳа, Ўринбоевлар оиласининг муқим яшаш манзили ўзгарди: Давлатобод тумани “Юксалиш” шаҳарчаси “Тадбиркор” маҳалла фуқаролар йиғини, Ёшлик кўчаси. Элимизнинг жасур ва муносиб ўғлонига муҳташам янги уй муборак! Илоҳим, тантанали кунларга, тўйларга буюрсин!

**Орифжон ЖЎРАЕВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 99.
8848 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:35 Топширилди — 01:15